БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 110 (17.392). • 16 май 1979 йил, чоршанба • Баҳоси 2 тийин.

КОММУНИЗМ УЧУН КУРАШНИНГ МУҲИМ ЖАБҲАСИ

«Коммунизм учун курашнинг муҳим жабҳаси» мавзуида пойтахтда бошланган ижтимоий-сиёсий лекциялар туркуми охирида «Фан ва идеология» деган мавзуда лекция ўқилди. Бу лекциялар ўртоқ Л. И. Брежневнинг «КПСС идеология ишининг муҳим масалалари» номли асарига бағишланган эди.

Лекцияларни КПСС Москва шаҳар комитети билан Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениеси ташкил этди.

(ТАСС).

ПОЛЬШАЛИК МЕҲМОНЛАР

СССР Олий Советининг таклифига биноан ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Давлат Кенгаши Раисининг ўринбосари, Касаба союзлари марказий советининг раиси В. Кручек бошчилигида ПХР сейми делегацияси расмий дўстона визит билан 14 майда Москвага келди.

Меҳмонлар СССР Олий Советида бўлдилар.

В. Кручек ўртоқ Л. И. Брежневга у яна СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланганлиги муносабати билан поляк халқи номидан самимий қутловларини топширди. Самимий вазиятда ўтган дўстона суҳбат вақтида иккала мамлакат халқлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик йил сайин тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги уқтириб ўтилди. Польша парламенти аъзоларининг визити иккала давлат ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни, кардошларча дўстликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, бутун социалистик ҳамдўстликни жипслаштиришга хизмат қилади, деб ишонч билдирилди.

Делегация В. И. Ленин Мавзолейига гулчамбарлар қўйди.

Шунингдек, Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабрига ҳам гулчамбар қўйилди.

Меҳмонлар СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлдилар, бир қанча павильонларнинг экспозицияларини кўздан кечирдилар, экономика ва маданиятнинг турли соҳаларида Совет Иттифоқи эришган муваффақиятлар билан танишдилар.

Делегация Совет — Польша дўстлиги жамияти активлари билан учрашди.

(ТАСС).

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

АНДИЖОН, 15 май. (ЎзТАГ). Андижон область партия комитети билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти «КПСС XXV съезди қарорларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» асарларида кадрлар сиёсати ленинча принципларининг ривожлантирилиши» деган мавзуда илмий-амалий конференция ўтказдилар. Конференцияда шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, халқ депутатлари шаҳар ва район Совети ижроия комитетларининг раислари, йирик саноат корхоналари, қурилишлар, ўқув юртларининг раҳбарлари, партия ташкилотларининг секретарлари иштирок этдилар. Андижон область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Э. Ю. Юсупов доклад қилдилар.

РАҲБАРНИНГ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИ

Чори Алматов билан бирга ёки унинг раҳбарлигида ишлаганлар бу кишининг одамларга нисбатан меҳрибонлиги, хушфеъллиги, ширинсуханлиги, қандай масалада бўлмасин, обдон ўйлаб, кўпчиликнинг фикрини олиб, лозим бўлган пайтда қатъийлик ва принципиаллик билан иш кўриши хусусида кўп яхши гапларни айтишади. Бундай фазилатлари учун одамлар уни ҳурмат билан «ота» деб аташади. Чори ака бой ҳаёт тажрибасига эга бўлган тадбиркор, ташкилотчи раҳбар сифатида Сурхондарё областида ўзи ишлаган районларда ҳамиша яхши ном қолдириб келаётган ажойиб кишилардан биридир.

Бир неча йиллар давомида Денов, Жарқўрғон, Шўрчи районларининг партия ташкилотларига етакчилик қилиб, малакали кадрлар етишиб чиқишига, меҳнаткашлар ўртасидаги ташкилий-сиёсий ишлар савиясининг оширилишига, партия ташкилотлари жанговарлигининг кучайтирилишига, иқтисодий ва социал-маданий ривожланишда юксак кўрсаткичларнинг қўлга киритилишига қўшган муносиб ҳиссаси учун у Социалистик Меҳнат Қаҳрамони фахрий унвонига сазовор бўлди. Янги ташкил этилган Қумқўрғон районини хўжаликлари бултур пахта тайёрлаш топшириғини областда биринчи бўлиб адо этган ва об-ҳаво ноқулай келганлиги оқибатида юз берган қийинчиликларга ҳам қарамай давлатга умумий танёрлаш ҳажмидан тўрт ярим минг тонна зиёд пахта топширилган экан, бунда ҳам райком секретари Чори Алматовнинг хизматлари катта. Шу кеча-кундузда ҳам уни ҳаётнинг энг «қайноқ» жойида — пахта далаларида, чорвачилик фермаларида, қурилиш майдончаларида кўпроқ учратасиз.

Ҳозирги пайтда республикамизда бундай раҳбар кадрларнинг турли бўғинларга мансуб катта бир отряди мавжуд. Эндилинда Василий Иванович Рибалко, Узоқбой Саримсоқов, Алижон Пайғамов, Мусажон Шербўтаев, Абдулҳамид Саидхўжаев, Мадамин Матқаримов, Ўлмас Холдоров каби шаҳар ва район партия ташкилотларининг етакчиларини, Қурбонали Содиқов, Жониқул Юсупов, Хурсанд Турсунов, Хван Ман Гим, Ойим Камолова каби ишлаб чиқариш командирларини республикамиздан ташқарида ҳам яхши танишади.

Партиямиз барча бўғиндаги раҳбар кадрларнинг юксак онглилигини, уларнинг топшириғлари иш учун жавобгарликни ҳис этишдек фазилатларини ҳамиша қадрлаб, уларнинг янада ўсиб-унишлари, улғайишлари ва камолот чўққиларини эгаллашлари тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқда. Кадрларга нисбатан бундай ишонч ва ҳурмат, меҳрибонлик ва ғамхўрлик уларнинг кундалик ишларни партиямиз сиёсатининг туб масалалари билан боғлаб олиб боришлари учун, меҳнат коллективларида чинакам ижодий ташаббускорлик, уюшқоқлик ва сафарбарлик вазиятини вужудга келтиришни таъминлашлари учун қулай имконият яратиб бермоқда.

Биз ҳозиргача эришган ва келажакда эришишни орзу қилаётган ютуқларнинг барчаси ана шуларга, кадрларимизнинг, айниқса раҳбар кадрларимизнинг юксак ғоявийлиги, соф виждонлиги, билимдонлиги ва касбкор маданиятига ҳамда масъулиятни ҳис қила билишига, активлиги ва ташаббускорлигига, ишга коммунистчасига муносабатда бўлишдаги ибратига, уларнинг ғайрат-шижоат кўрсатиб, садоқат билан ишлашларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Иқтисодий ва социал-маданий ҳаётнинг турли соҳаларига раҳбарлик қилаётган кадрларнинг аксариятига хос умумийлик шундан иборатки, улар ҳар қандай ишда ҳам пировард натижаларга эришиш учун курашда доимо умумий ривожланиш қонуниятларига, конкрет илмий ва амалий билимларга таянадилар. Улар инсон фаолиятининг барча соҳаларида ўзларини ягона ва бахсга ўрин қолдирмайдиган билагон деб ҳисобламасдан, ҳамиша халқ билан бамаслаҳат, унинг коллектив ақлидрокига таянган ҳолда иш кўриб келмоқдалар. Ҳар бир соҳада социал-сиёсий ва тарбиявий жиҳатларни ҳам эътиборга олиш, кишиларга, уларнинг талаб ва эҳтиёжларига сезгирлик билан муносабатда бўлиш, фақат меҳнат жараёнида эмас, балки турмушда ҳам ҳаммага ибрат кўрсатиш ҳар қандай бўғиндаги раҳбар фаолиятининг асосий мезони бўлиб қолди.

Афсуски, раҳбарлик лавозимларига кўтарилганларнинг хаммаси ҳам ана шу мезон ўлчовига яраша ишлаяпти, деб айтиш қийин. Улар орасида партия, давлат ва халқ ишончини тўла оқлаётган, баъзи ҳолларда «ўзим хон, қўланнам майдон» қабилида иш тутаётганлари ҳам чиқиб қоляпти. Бундай кишилар бошқаларнинг тажриба ва билимидан моҳирона фойдаланиш ўрнига ҳамма масалалар юзасидан ўз фикрларини зўрлаб ўтказмоқчи, хатто ва камчиликларни дабдабабозлиқ билан «тўлдирмоқчи» бўладилар. Баъзи бировлари эса топширилган иш учун шахсий жавобгарликни дарров эсдан чиқариб қўядилар, ўз манфаатларини ва нафсларини тиёлмай қоладилар ва ҳатто жиноий хатти-ҳаракатлардан ҳам қайтмайдилар.

Редакцияга келган хатлардан бирида Тошкент шаҳар Ҳамза район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари П. Йўлдошевнинг меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига сезгирлик билан муносабатда бўлмаётгани очиб ташланган. Кишиларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўз вақтида тўла-тўкис қондириш учун жон куйдириб ишламасдан, қоғозбозлик ва қуруқ маъмуриятчиликка берилиб кетган, ариза ва шикоятларда кўтариб чиқилган масалалар, қимматли фикр ва мулоҳазаларнинг ҳал этилишини ойлаб ва йиллаб чузаётган шахслар раҳбар кадрларимиз шаънига доғ тушираётгани ҳақида бундан бошқа сигналлар ҳам бор.

Коммунистик қурилиш суръатлари авж олдирилган сари иқтисодий соҳадаги ишларимизни меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш вазифалари билан узвий боғлиқ ҳолда олиб боришимиз кераклиги янада яққолроқ сезилмоқда. Бу эса, қайси соҳага ва қайси бўғинга даҳлдорлигидан қатъий назар, барча раҳбар ходимлар зиммасига меҳнаткашлар онгида марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш, уларни юксак коммунистик онглилик руҳида, партия, Ватан, халқ ишига чексиз садоқат руҳида тарбиялаш борасида тағин ҳам каттароқ масъулият юклайди. Дарҳақиқат, бугунги раҳбар фақат моддий ишлаб чиқаришда пировард натижаларнинг қувончли бўлиши учунгина эмас, балки коммунистик жамиятнинг муносиб бунёдкорларини вояга етказиш учун ҳам жавобгар бўлган сиёсий арбобдир. Партиямиз раҳбар ходимлардан улар қабул қиладиган иқтисодий ва маъмурий қарорларнинг тарбиявий оқибатлари ҳақида ҳамиша мулоҳаза юритишларини талаб қилишининг боиси ҳам шунда.

Халқимизда ажойиб бир мақол бор: «Катта арава қаердан юрса, кичик арава ҳам шунинг изидан юради». Худди шунингдек, кўпчилик одамлар юриш-туришда яхши раҳбарлардан андоза олишади, муомалада уларга тақлид қилишади, ҳатто яхши ният билан ўғил-қизларини уларнинг исмлари билан аташади. Шундай экан, нечагина раҳбарлик лавозимига кўтарилган баъзи бировларнинг иш бошлашга улгурмасданоқ ҳашаматли уй қуришга киришишлари, газеталарда, телевиденне кўрсатувларида ва радиоэшиттиришларда тез-тез чиқишга мойиллиги, ёки айрим раҳбар ходимларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига бошқалардан кўра имтиёзлироқ шароит яратиб қўйишлари, раҳбарлик лавозимида ишлаётганларнинг мансаб жиҳатидан ўзларидан пастроқдаги кишилар билан қўл учида саломлашишлари, ўз бошчилигида ишлаётганлар билан қўпол-дағал муомалада бўлишлари каби номақбул хатти-ҳаракатлар совет кишиларини ҳақли равишда газаблантиради.

Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки раҳбарлик лавозими кишига бошқалардан фарқ қилиш ёки имтиёзли ҳаёт кечириш учун сира ҳам ҳуқуқ бермайди. Яхши раҳбар мансабини обрў ва ҳурмат деб эмас, балки кўпчилик олдидаги синов, топширилган иш учун ҳам, ўзи билан бирга ишлаётган кишилар тақдири учун ҳам жавобгарлик, партия ва халқ ишончи учун юксак масъулият, деб тушунади.

Ҳозирги пайтда раҳбар ходим ҳатто янгабошчилик ҳуқуқларига эга бўлганида ҳам коллегиал принцип методларига асосланмасдан, омманинг куч-ғайратига, унинг ижодий ташаббускорлигига, қимматли фикр-мулоҳазаларига таянмасдан иш кўролмайди. Владимир Ильич Ленин: «Халқ орасида яшаш керак. Халқнинг кайфиятини билиш керак. Ҳамма нарсани билиб олмоқ керак. Омманинг фикрини тушунмоқ керак. Оммага ёндашув билмоқ керак. Омманинг мутлақ ишончига сазовор бўлмоқ керак», деганида худди ана шуларни назарда тутган эди. Лекин раҳбарлikка кўтарилган ходимларнинг ҳаммаси ҳам бу қоидага қатъий амал қилаяпти, деб бўлмайди. Масалан, Гулистон районидаги Навоий номли колхоз экономикаси ва маданияти кейинги йилларга кескин оқсаб қолди. Айниқса, чорвачиликнинг аҳволи жиддий ташвиш туғдира бошлади. Буни шунчаки ҳам кўриш мумкин эдики, хўжаликдаги ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган йиллик сут миқдори 1800 килограммдан ошмасди. Бунга правление раиси бўлган Юнус Маматқуловнинг колхозчиларни хўжалик вазифаларини ҳал этишга уюштира олмагани, оммадан ажралиб қолгани, коллективнинг ғайратини ва ижодий ташаббускорлигини кучайтириш омилларидан тўғри фойдалана билмагани сабаб бўлди. Оқибатда уни колхоз раиси лавозимидан четлаштиришга тўғри келди.

Раҳбар — ҳамманинг назаридаги одам. Биргина шу ҳолнинг ўзи ҳам унинг ҳар бир соҳада ленинча услубга оғишмай амал қилишини, ҳаётда ҳамиша актив позицияда туришини тақозо этади. Бинобарин, булар ҳозирги раҳбарнинг қиёфасини белгилайдиган энг муҳим фазилатлардан ҳисобланган турли бўғиндаги раҳбарни ҳам ижтимоий ҳаёт жабҳаларида фаол иштирок этишдан, меҳнатда ва турмушда ибрат бўлишдан, жамиятимиз табиатига ёт бўлган ҳар қандай кўринишларга, эскилик сарқитларига, буржуа пропагандасининг таъсирига қарши кескин курашишдан ташқари, ўз атрофидагиларда ҳам актив ҳаётий позициянинг қарор топишига эришиш учун қураш олиб боришга даъват қилади.

Раҳбар ходимлар фаолиятида янгиликни даъвол илгаб ола билиш натта аҳамиятга эгадир. «Янгиликни ҳис қилиш, — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев, — ривожланиш истиқболини кўриш, келгусига назар ташлаш, вужудга келаётган вазифаларни ҳал этишнинг энг тўғри йўлларини топиш демакдир. Ижтимоий ҳаётда ва ишлаб чиқаришда жадал ва чуқур ўзгаришлар рўй бераётган ҳозирги пайтда бу фазилат айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда».

Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари надрларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришаётганда энг аввало ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор бериш лозимлигини сира унутмасликлари керак. Жамиятимиз тараққиёти борган сари янги кўламлар касб этмоқдаки, эндилинда қайси бир соҳада бўлмасин, раҳбарликни фақат юксак сиёсий онглилик билан яхши профессионал тайёргарликни мужассамлаштирган, экономика ва маданиятни ривожлантириш масалаларини омилкорлик билан ҳал этишга қодир, бошқаришнинг замонавий метод ва услубларини мукаммал эгаллаган кишиларгина уддалаши мумкин. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, «Раҳбарларнинг, хўжалик надрларининг ишига баҳо берганда ишлаб чиқариш планларининг бажарилишига доир кўрсаткичларнигина эмас, коллективдаги интизом даражасини, жамиявий-сиёсий муҳитни, меҳнат ва турмуш шароитларини ҳам эътиборга олиш зарур».

Жиззах область Арнасой районидаги Жуков номли совхозининг 4-бўлим пахтакорлари ғўза парваришини уюшқоқлик билан бошлаб юборишди. Айни пайтда ғўза қатор оралерига ишлов бериш, ниҳолларини маҳаллий ўғитлар билан озиқлантириш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Бўлим коллективи 480 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан хирмон кўтариш билан йилни баракали якунлашга аҳд қилишган. Бўлим коллективи ҳосилнинг ҳаммасини машиналар билан теркш мажбуриятини олган. Суратда: [чапдан] бўлим бошқарувчиси Анорбой Қобилбеков ва бригадир-механизатор Эргаш Болиев иш сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Б. Раҳимов фотоси.

26 минг тонна пилла учун

ЗАРШУНОСЛАР ЗАФАРИ

ҚУМҚЎРҒОН, [Совет Ўзбекистони» мухбири]. Райондаги Меҳнат [Қизил Байроқ орденли «Москва» колхози «кумуш тола» иноқлоқлари зафар қучдилар. Қабул пунктларига 17100 килограмм қимматбаҳо хом ашё етказиб берилди. 300 қутн қурт уруғининг ҳар қутисидан 57 килограммдан ҳосил олинди.

Бу муваффақиятга ҳар қутн қурт уруғидан 120—140 килограммдан аъло сифатли пилла олган Иззат Сувонова, Байна Мардонақулова, Зухра Раҳмонова, Бибисора Қудратова, Ойсара Темирова, Менгихол Абраҳматова, Обод Тоғаймуродова, Иззат Худойназарова, Бибихол Саҳанова, Ойсулув Рўзиева, Норгул Бобомуродова сингари илғор заршуносларсалмоқли ҳисса қўшдилар.

Колхоз пиллакорлари ички имкониятларни чамалаб чиқиб, Ватан хирмонига яна 8400 килограмм пилла етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Шунда ҳар қутн қурт уруғидан 84 килограммдан ҳосил олиниб, ялпи хирмон 25500 килограмма етказиладн.

ЧОРВАЧИЛИК — ЧИН ИХЛОС

Чорвачиликнинг бош тармоғи — ғўшт етиштиришга ихтисослаштирилган «Комсомол» совхозида иш қизғин. Ҳамма ёқ баҳор либосига бурканган. Эрта экилган майдонларда маккажўхори ниҳоллари дуркун ўсяпти. Тонгда шивалаб ўтган ёмғир томчилари кўм-кўк майсаларда симобдай ялтираб турибди.

Совхоз директори Илёсхон Носировни ўз хонасида аллақандай маълумотлар устида бош қотириб турган ҳолда учратдик. Рақамлар... рақамлар! Хисоб-китоблар! Бу ерларнинг ҳар бири совхоз истиқболи, чорвачилик равнақи ҳақида сўзлайди. Рақамлар ҳикоясининг ўзи бир олам. Совхоз директори иккинчи квартал истиқболи устида ширин ҳаёл суриб турган экан. У ютуқ ва камчиликларнинг рақамлардаги акси хусусида мароқ билан сўз юритгач, шундай таклиф қилди:

— Юз марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган маъқул деган ибора бор, — деди Илёсхон Носиров иқтисодий таҳлилдан бир оз толиқкан охангда. — Яхшиси юринг, бўрдоқилар бокилаётган фермаларимиздан бирортасига олиб борай. Ютуқ ва нуқсонларимизни ўз кўзингиз билан кўрганингиз маъқул.

Таклиф бизга маъқул тушди. Ферма томон йўл олдик. Совхоз директори йўл-йўлакай бўрдоқибоқарлар қўлга киритаётган ютуқлар ҳамда совхоз истиқболи хусусида сўзлаб берди.

— Совхозимиз ташкил топганига олти йил бўлди,— деди совхоз директори ўтган йилларни эслаб. — Шу қисқа вақт ичида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Ўтган йилни хўжалигимиз бўрдоқибоқарлари яхши натижалар билан якунладилар. Давлатга пландаги 300 тонна ўрнига 350 тонна гўшт топширилди. Шу йилнинг биринчи кварталидаги натижаларимиз, айниқса, қувончлидир. Квартал плани 150 процент бажарилди.

Ферма йўлида борар эканмиз совхоз марказида қад кўтарган замонавий кўркам биноларга кўзимиз тушди. Ҳали бўёқлари қуриб улгурмаган янги иморатлар, уй-жой бинолари кўзни қувонтиради. Хўжалик бўрдоқибоқарлари ўтган йили қарийб бир миллион сўмга яқин даромад қилдилар. Соф фойданинг ўзи 200 минг сўмдан ортиб кетди. Даромадга қараб буромад, деганларидек, қисқа муддатда замонавий клуб ва мўҳташам кутубхона бинолари қуриб фойдаланишга топширилди.

Совхознинг истиқболи янада порлоқ. Бу ерда келгуси йили юксак механизациялашган, замонавий чўчқачилик комплекси қурилишининг биринчи навбати фойдаланишга топширилади. Бу улкан гўшт комбинати қуриб битказилгач, бир йилда 24 минг бош чўчқа бўрдоқига боқилади. Шунда совхоз республиканинг гўшт етиштирувчи йирик базаларидан бирига айланади. Келгуси беш йилликнинг ўзидаёқ бу ерда йилига 8—10 минг тонна гўшт етиштириш мўлжалланмоқда. Бир килограмм чўчқа гўштини бир сўмга ва бир килограмм қорамол гўштини бир ярим сўмга тушириш режалари кун тартибига қўйилган. Бу эса республиканинг рекорд кўрсаткичига тенг бўлади. Совхоз мутахассислари узоқни кўзламоқдалар. Бу аниқ ва реал мақсадлардир. Буни совхоз бўрдоқибоқарлари амалий иш билан тасдиқламоқдалар.

Чорва фермаларидаги қизғин меҳнатдан, бўрдоқибоқарлар ўз ишларига чин ихлос қўйганлигининг гувоҳи бўласиз. Ҳар ким ўз ишини аниқ ва пухта, билиб-билиб бажаряпти. Молбоқарлардан Мария Сазанова, Абдуқодир Абдураҳмонов ва Темур Хурсановларнинг иши ҳақонгидан кўпайган. Улар ҳар бир қорамол атрофида парвона. Вақтида емиш ва сув бериб туришибди. Илғор молбоқар Мария Сазанова ўз ишининг устаси экан. У молларни қатъий озуқа рациони асосида боқаётир, ўз иш графигига эга. Молларни қачон ва қандай озиқлантириш, қайси соатларда яйловда яйратиш, шамоллатиш каби зоотехника ва ветеринария қоидаларига қаттиқ амал қилади. Бугунги чорвадор — олдин молбоқар эмас. У ўз ишини пухта билган, назарий билимини амалий ва жараёни билан боғлашга интилган, илғор усул ва тажрибаларни қўллашга одатланган киши. Бусиз эса чорвадорликдек нозик ва мураккаб соҳада кутилган мақсадга эришмок амри маҳол!

Фермадаги саранжом-саришталик, озодалик, юксак ишчанлик вазияти беихтиёр эътиборни жалб этади. Ферма ходимларининг маданий дам олишлари учун намунали қизил бурчак ташкил этилган. Бу ерда чорвачиликка оид китоблар ва брошюралар расамади билан столга териб қўйилган. Газета ва журналларнинг янги сонлари ҳар куни келтирилади. Илғор чорвадорларнинг суратлари «Ҳурмат тахтаси»дан жой олган. Ферма мудири Давлат Эгамназаров ҳам шу ерда экан. Ўз ишининг билимдони бўлган Давлат ака биз билан суҳбатда шундай деди:

— Гўштга топширилаётган қорамолларнинг ўртача вазни йил сайин ошиб боряпти. Ўтган йили ҳар бир қорамолнинг ўртача вазни 400 килограмм тош босган бўлса, бу йил 420 килограммга етказилляпти. Бу бизни қаноатлантирмайди. Йил охирига бориб қорамолларнинг ўртача вазнини 450 килограммга етказамиз. Келажакда эса моллар зотини яхшилаш ва рационни бойитиш ҳисобига бу рақамни ўртача 500 килограммга ет казамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу хўжалик чорвадорларини бирлаштирадиган ажойиб бир фазилат бор: улар ўз ишларига танқидий кўз билан қарашга, довонлардан туриб довонларни кўзлашга одатланишган. Хоҳ директор билан, хоҳ ферма мудири билан, хоҳ молбоқар билан суҳбатлашманг эртанги кунннинг порлоқ истиқболи ҳақида мароқ билан ҳикоя қилади. Бугун кечагидан, эртага бугунгидан юксакроқ маррани кўзлашга бўлган интилиш уларнинг умумий иш услубига айланган.

Ўтган йили совхозда бир центнер гўштнинг таннархи 236 сўмни ташкил этган эди. Шу йилнинг биринчи кварталида бу рақам 210 сўмгача қисқартирилди. Натижа чакки эмас. Бироқ бу ниманинг эвазига? Бунга қандай қилиб эришилди? Иқтисодий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, см-хашаини аниқ ва пухта таксимлаш, озуқа устидан қатъий контроль ўрнатиш ва бўрдоқига боқиш муддатини ҳафта-ўн кунга қисқартириш мана шундай ижобий натижалар бермоқда.

Ташаббускор бўрдоқибоқарлар улкан гўшт фабрикасини яратиш ва жамоат чорвачилигини ривожлантириш йўлида ажойиб ишларни амалга оширмоқдалар. Хўжаликда мустаҳкам озуқа базасини яратиш — чорвачилик тараққиётининг бош омилларидан бири эканлигини чуқур ҳис қилишади. Озуқа базаси эса кўп жиҳатдан кўклам тараддудига боғлиқ. Шу боисдан 120 гектар майдонга беда, 90 гектар майдонга суданўтин, 200 гектар майдонга маккажўхори, 80 гектар майдонга арпа-беда аралаштириб экилди.

Гулистон районидаги бўрдоқичилikка ихтисослаштирилган «Комсомол» совхози коллективи сўнгги йилларда ўз ютуқлари билан кўзга ташланмоқда. Бунинг сири нимада? Бир сўз билан айтганда, бу ерда чорвачиликка чин ихлос қўйган ажойиб кишилар бор. Улар бугуннинг беғором ташвишлари, эртанинг ёрқин истиқболи билан нафас олмоқдалар.

К. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Гулистон райони.

ЮК КЕМАСИ ТУТАШТИРИЛДИ

ТАСС АХБОРОТИ

1979 йил 15 май куни Москва вақти билан соат 9 дан 19 минут ўтганда «Прогресс-6» автомат транспорт юк кемаси учувчи бошқараётган «Салют-6» — «Союз-32» орбитал комплекси билан туташтирилди.

Юк кемаси «Салют-6» станциясининг қўшма двигатель установкаси учун ёнилғи, асбоб-ускуналар, аппаратлар экипажнинг ҳаёт фаолиятини таъминлаш ва илмий-тадқиқотлар ҳамда экспериментлар ўтказиш учун материаллар, шунингдек, почтани орбитага олиб чиқди.

«Прогресс-6» кемаси Учишни бошқариш марказидан берилган командаларга мувофиқ орбитада маневрлар ўтказгандан кейин кема ва «Салют-6» станцияси ичидаги яқинлаштирувчи автомат системаларнинг ҳаракат зонасига кирди, бу системалар космик аппаратларни қидириб топиш, яқинлаштириш, ёндаштириш ва туташтиришни таъминлади.

Ёндашиш ва туташиш жараёнларига орбитал комплекс экипажи — Ляхов ва Рюмин ўртоқлар контроллик қилиб турдилар.

«Прогресс-6» автомат юк кемаси «Салют-6» станциясининг агрегат бўлмаси томонидаги туташтирувчи узелга туташтирилди.

Космик аппаратларни бирбирига яқинлаштириш ва туташтиришнинг ҳамма босқичларида орбитал комплекс экипажи билан алоқани, «Прогресс-6» кемасидан ва «Салют-6» станциясидан телеметрия ахборотини қабул қилиб олишни ердаги команда ўлчов комплексининг воситалари пухта таъминлаб турди. Бу воситалар Совет Иттифоқи территориясидаги ўлчов пунктларини ҳамда СССР Фанлар академиясининг Жаҳон океани акваториясида турган «Космонавт Юрий Гагарин», «Космонавт Георгий Добровольский», «Космонавт Павел Беляев», «Космонавт Владислав Волков», «Космонавт Владимир Комаров», «Боровичи», «Невель», «Кегостров», «Чажма» илмий-тадқиқот кемаларини ўз ичига олади.

Телеметрия ахбороти ва экипажнинг докладларига кўра, «Салют-6» станцияси, «Союз-32» кемаси ва «Прогресс-6» юк кемаси ичидаги системалар нормал ишламоқда.

Космонавтлар Владимир Ляхов билан Валерий Рюмин ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

Байроқ топширилди

«Ўзбекбирлашув» республика матлубот жамиятлари союзининг коллективи биринчи кварталдаги иш якунларига кўра, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг голиби деб топилди. 15 май куни Тошкентда ўтказилган тантанали йиғилишда Ўзбекистон кооператорларига «Центросоюз» билан тармоқ касаба союзи марказий комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди. Байроқни «Центросоюз» правленнеси раисининг биринчи ўринбосари Н. И. Супотницкий топширди.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров ҳозир бўлди.

(ЎзТАГ).

МУҲИМ СЕМИНАР

Мутахассисларнинг билими ва тайёргарлиги Инженерлик ташкилотлари жаҳон федерацияси комитетининг мажлиси 15 май куни Тошкентда ўз ишини тамомлади. Австралия, Аргентина, Венгрия, Хиндистон, Италия, Канада, Польша, Совет Иттифоқи, Финляндия, Чехословакиядан келган инженер кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ бир қанча муҳим проблемаларни уч кун давомида муҳокама қилдилар, шу соҳада Ўзбекистонда тўпланган тажриба билан танишдилар. Бир-бирларининг малака дипломлари ва илмий даражаларини эътироф этиш масалалари кўриб чиқилди.

Мажлислар доирасида инженерларнинг математик билимини ошириш мавзуи юзасидан семинар ўтказилди. Семинарда электрон-ҳисоблаш техникаси ҳаётга кенг жорий этилганлиги муносабати билан инженерлик таълимининг характерини ўзгартиришга алоҳида эътибор берилди.

Мажлис ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

МИНИСТРЛАР КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

БУДАПЕШТ, 15 май. (ТАСС). Кеча шу ерда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрлари комитетининг мажлиси очилди.

Мажлис ишида БХР ташқи ишлар министри П. Младенов, БХР ташқи ишлар министри Ф. Пуйя, ГДР ташқи ишлар министри О. Фишер, ПХР ташқи ишлар министри Э. Войташек, РСР ташқи ишлар министри Ш. Андрей, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, ЧССР ташқи ишлар министри Е. Хнеупек қатнашмоқдалар.

ВСИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Я. Кадар шу куни мажлис ишида қатнашаётган ташқи ишлар министрларини қабул қилди. Самимий, ўртоқларча вазиятда ўтган учрашувда ВСИП Марказий Комитетининг секретари А. Денеш қатнашди.

ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

САМАРҚАНД, 15 май. (ЎзТАГ). Самарқанд область партия-хўжалик активининг йиғилишида аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов нутқ сўзлади.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—АМАЛДА

АНИҚ МАРОМ ВА ЮКСАК СУРЪАТ БЎЛСИН!

Мусобақа — миллионлар ижоди

1979 ЙИЛ • МАЙ • № 5 (62)

МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

САФАРБАРЛИКНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Беш йиллик тўртинчи йилнни муваффақиятли якунлаш учун кураш мусобақаси авж олмоқда. Резервлардан самарали фойдаланган, иш маромни ва юксак суръатни таъминлаган саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва транспортчилар коллективлари давлат планлари ҳамда социалистик мажбуриятларни знёда қилиб бажаришга эришаётирлар.

Илғор коллективларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, иш бир меъёрда олиб борилган жойларда машина-ускуналарнинг бекор туришига йўл қўйилмайди, меҳнат соатларининг юқори унум билан якунланишига муваффақ бўлинади. Ишни пухта ташкил этиш, мавжуд ресурслардан муваффақиятли фойдаланиш кўзга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаб боришнинг ишончли гаровидир. Партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари кўрсатмалари асосида иш тутиш натижасида республикамиз индустриясининг меҳнаткашлари саноат маҳсулоти реализация қилиш 1979 йил тўрт ойлик планини 2,1 процент оширибб бажаришни таъминладилар. Маҳсулот тайёрлаш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 3,4 процент ортди. Кўмир қазиб олиш, пахта териш машиналари, трактор сеялкалари, тўқимачилик машиналари, трикотаж буюмлар, пайпоқ, чарм-пойафзал, серқаймоқ сут маҳсулотлари, ўсимлик мойи ишлаб чиқаркш топшириқлари ортиғи билан адо этилди.

Бинокорлик ва монтаж ташкилотларининг коллективлари олинган мажбуриятларга яраша меҳнат қилиш туфайли тўрт ой мобайнида ўтган йилнинг шу давридагига қарегаида анча кўп капитал маблағ ўзлаштирдилар. Кўплаб корхоналар ва цехлар фойдаланишга топширилди. 14,1 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди. 375 минг квадрат метр уй-жой барпо қилинди. 4800 ўринли мактаблар фойдаланишга топширилди. 3845 ўринли мактабгача болалар муассасалари ишга туширилди. Смена давомида 400 кишини қабул қила оладиган поликлиникалар қуриб битказилди.

Шу билан бирга саноат ва қурилиш ташкилотлари ишида тез ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар бор. Бу аввало аниқ иш маромини таъминлаш ва фойдаланишга топширилади ган объектларни тезроқ қуриб битказишдан иборатдир. Мавжуд резервлар ва имкониятлардан тўла фойдаланмаслик оқибатида Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм области маҳсулот реализация қилиш тўрт ойлик планини бажармади. Узбекистон ССР Бинокорлик материалларн саноати министрлиги бўйича ялпи маҳсулот реализация қилиш планлари ора йўлда қолиб кетди. Республиканинг 44 ишлаб чиқариш бирлашма ва корхонаси планни барбод бергаклиги оқибатида салкам 23 миллион сўмлик кам маҳсулот реализация қилинди. Самарқанд холодильниклар заводи, Ангрен керамика комбинати, «Чирчиксельмаш» заводи каби корхоналар қолоқликка йўл қўйди.

Рангли металлургия, химия, нефть химияси, енгил, мебель ва пахта тозалаш саноати тармоқларида қурилиш-монтаж ишлари планни барбод берилди. Ишга туширилдиган баъзи объектлардаги ишлар ҳам қаноатланарсиз. Бунга асосий сабаб қурилиш ишлаб чиқаришнинг ёмон ташкил қилинганлиги, бинокорлик материаллари ва конструкцияларнинг узлиш билан етказиб берилаётганлигидир. Умуман, моддий-техника таъминотидаги камчиликларни тезроқ ҳал этиш керак.

Узбекистон ССР Қурилиш министрлиги, Узбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрликлари май ойида суръатни тезлаштириш чораларини кўришлари лозим. Шу министрликлар бўйича тўрт ойлик қурилиш-монтаж ишлари планнни адо этишда қолоқликка йўл қўйилди. Ишга туширилдиган объектларда графикларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланиш учун қўшимча чоралар кўриш талаб қилинади.

Вазифа — олинган юксак мажбуриятларни шараф билан адо этишни таъминлашдан иборат. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари хўжалик органлари билан ҳамкорликда тўрт ойлик якунларини чуқур таҳлил этиб, йўл қўйилган камчиликларни тезроқ тугатиш, план ва мажбуриятларнинг сўзсиз адо этилишини таъминлаш учун сафарбарликни янада кучайтириш чораларини кўришлари керак.

ПАРТИЯ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ, МЕҲНАТГА КОММУНИСТИК МУНОСАБАТ ҲАРАКАТИНИ МЕҲНАТДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРНИ КУПАЙТИРИШ, ЖУДА КАТТА ИҚТИСОДИЙ ВАЗИФАЛАРНИ ТЕЗ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ҚУДРАТЛИ ВОСИТАСИГИНА ДЕБ ЭМАС, ОММАНИ КОММУНИСТИК РУҲДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ ДЕБ ҲАМ БИЛАДИ.
Л. И. БРЕЖНЕВ.



Самарқанд суперфосфат заводида бунёд этилган янги олтингугурт цехи коллективи аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, асбоб-ускуналарнинг бекор туриб қолишига йўл қўймаслик ҳамда технология режимига қатъий риоя қилиш учун мусобақани авж олдириб юборди. Унда Н. Шчелчков бошлиқ смена пешқадамлар сафида бормоқда: Суратда: Н. Шчелчков ва машинист Н. Шибаева. А. Кудряшов фотоси.

БРИГАДА ПУДРАТИ

БУНЁДКОРЛИК

БИНОКОР ЎИЛАРИ

Қишлоқда қурилиш ишлари кўлами кенгайиб бормоқда. Қурилиш-монтаж ишларининг катта қисмини «Облколхозстрой» тресги механизациялашган кўчма колонналари амалга ошираётирлар.

Москвалик машҳур қурувчи Н. Злобин методининг афзалликларини тажриба яққол исботлаб берди. Ҳозир трестимиз бўйича ўттиздан ортиқ бригадада шу прогрессив метод жорий этилиб, қурилишда жадал суръат, юқори сифат таъминланмоқда. Злобинчи бригадаларда ўтган йили ҳар бир қурувчи планда белгиланган 8490 сўмлик ўрнига 10.740 сўмлик ҳажмда қурилиш монтаж ишларини бажарди. Злобинчилар қурган 13 та объект ўз муддатида, юқори баҳоларда фойдаланишга топширилди.

Бригадамиз тўғрисида гапирадиган бўлсам, биз ўнинчи беш йилликнинг ўтган даврида қарийб ярим миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардик. Ҳозир 1981 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдамиз. 90 ўринли болалар боғчаси, механика базасини қуриб, фойдаланишга бердик. Шу кунларда Ленин номли колхозда 656 ўринли мактаб биноси қурмоқдамиз.

Бу методнинг жорий этилиши туфайли қурилиш-монтаж ишлари бир маромда, узлуксиз олиб бориляпти. Моддий-техника таъминотида узилишга йўл қўйилмайди, графикка қатъий риоя қилинади. Ҳар бир қурувчи бир неча касбни эгаллаб олган. Мураббийлар шогирдларнинг касб-ҳунарга меҳрини ошириш йўлида жонкуярлик қилишади. Иморатга пойдевор қўйишдан тортиб пардоз-андозга қадар ҳамма ишни ўзимиз бажарамиз. Бригадамиздаги ҳар бир қурувчи ўтган йили 14 минг сўмлик ҳажмда иш бажарган бўлса, бу йилги ахдимиз — бу кўрсаткични яна минг сўмга оширишдан иборат.

Социалистик мусобақа жараёнида туғилган ажойиб ташаббус — бригада пудрати усулида ишлаш ҳаракати қурилишни жадаллаштиришгина қолмай, маблағ ва материаллардан, техника воситаларидан, ишчи кучидан самарали фойдаланиш, тежамкорлик билан иш қўриш имконини бермоқда. Бизда бу усулнинг иқтисодий самараси ўтган йили 63 минг сўмни ташкил этди.

Янгиликни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун собитқадамлик, ташаббусни қўллаб-қувватлаш талаб қилинади. Бу соҳада ҳал қилиниши зарур бўлган қатор муҳим масалалар бор. Бригада пудратида ишлаётган коллективларнинг бинокорлик материаллари ва техника таъминотини планлаштириш ва меҳнат сарфлари калькуляциясини ишлаб чиқишни яхшилаш лозим. Асосий кучни, моддий-техника воситаларини биринчи навбатда ишга туширилдиган объектларга жалб этиш, айниқса, муҳимдир.

Социалистик мусобақани якунлаш пайтида коллективнинг фаолиятига фақат умумий иш ҳажми, яъни планнинг бажарилиш проценти ва иш сифатига қарабгина эмас (гарчи бу муҳим бўлса ҳам), шу билан бирга, муайян объектнинг белгиланган муддатда, бекаму кўст ишга туширилишига қараб баҳо бериш маъқул, деб ўйлайман.

Р. РЎЗИМАТОВ,
Хива колхозларзро механизациялашган кўчма колонкасининг комплекс бригадаси бошлиғи.

АВЛОДЛАР ЭСТАФЕТАСИ

Мен хизмат қилаётган Фарғона тўқимачилик комбинати бунёд этилганига 50 йилдан ошди. Бошқача айтганда, у биринчи беш йиллик тенгдошидир. Бироқ, комбинатимиз кейинги пайтларда оқсайдиган бўлиб қолди. Уни қолоқликдан олиб чиқиш мақсадида коммунистик меҳнат ҳаракатини кенг авж олдириб юбордик. Коллективимиз цехларни техникавий қайта қуроллантиришга жадал киришди. Янги тўқимачилик ва йигирув машиналарини муддатидан илгари ўзлаштиришга интилиб, кадрлар тўқувчини авж олдирдик. Натижада шу йил бошидан бери планда белгиланганидан 123 минг сўмлик кўп маҳсулотни реализация қилишга муваффақ бўлдик. Мусобақанинг роли нақадар катта эканлиги шу фактдан ҳам кўриниб турибди.

Бу корхона мен учун иккинчи уй бўлиб қолган. Яқинда ўтказилган Бутуниттифоқ коммунистик шанбаликги менда унутилмас таассурот қолдирди. Аввало, у мен учун эллигинчи сўзи билан иши бир. Ҳозир унинг меҳнат календарида — 1980 йил августи. Темирчилик болғаси моҳир ишчи қўлида ўйнайди. Косимов томонидан пўлат парчалари шундай тобланадики, улар гўё токарлик дастгоҳида қайта ишлангандай. Косимовнинг юксак маҳорати коъб металлнинг тежаб қолинишини таъминлаяпти.

Қодир Қосимов металлнинг қадрига етиб, оз миқдордаги чиқиндилардан ҳам фойдаланиш йўлини топди. Ишлаб чиқариш технологиясига кўра чиқиндилар қайта эритилишга топширилиши керак. Аммо Қ. Қосимов булардан пишиқ-пухта кичик деталлар ясаб, ҳар ҳафта корхонанинг 70 килограмм металлини тежаб қолмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг барча сайловчиларга Мурожаатида шундай дейилган эди: «КПСС Марказий Комитети ҳар бир совет кишиси... ҳамма ишда мамлакатнинг хўжайини эканлиги туйғусини намоён қиладиган, халқ бойлигидан оқилона фойдаланадиган, дон. металл, ёқилғининг ҳар бир килограммини тежайдиган, жонажон табиатни муҳофаза қиладиган бўлишини ҳаётий муҳим вазифа, деб ҳисоблайди». Корхонамиз партия комитети коллектив аъзоларини илғор ишчилар, ишлаб чиқариш учун жон куйдираётган кишилар ҳисолида хўжайин бўлиш туйғусини тарбияламоқда. Мисолларга мурожаат қилайлик. Ипни пишитадиган асбоблар участкасида пилталаш машиналари учун пўлат рогулькалар кўплаб — йилига 120 мингтадан зиёд тайёрланади. Юз дона рогулькани ишлаб чиқаришга 108 сўм 50 тийин кетади. Ишчилар пўлатни алюминга алмаштиришни таклиф қилдилар. Бундан нима наф. деб ўйлашингиз мумкин. Биринчидан, рогулькалар тайёрлаш жараёни қисқаради. Шу туфайли бир қанча ишчини бошқа участкаларга ўтказиш имконияти туғилади. Иккинчидан эса кўплаб материаллар: абразив кукуни, қайиш, паста ва энг муҳими, металл тежаб қолинади. Алюминдан юзта рогулька тайёрлаш 107 сўм 68 тийинга тушади. Буни ҳами ишлаб чиқариладиган рогулькалар ҳажмига кўпайтирсак, каттагина маблағ ва ҳом ашё иқтисод этилишини кўрамиз.

Учинчи механика цехида тўқимачилик машиналарининг энг йирик деталлари қўлдан чиқарилади. У ҳар йили завод қуюв цехидан 10 тоннага яқин чўян ва 50 тонна алюмин олади. 1,5 йил муқаддам катта деталлар қайта ишланаётганда тахминан 950—960 тонна чўян ва йигирма тоннадан зиёд алюмин чиқитга чиқиб кетарди. Цех рационализаторларидан Раҳматов, Ржанников, Панцирев ва Марсов ўртоқлар чўян чиқиндиси 200 тоннага, алюмин чиқиндисини эса 18 тоннага камайтирадиган таклифни ишлаб чиқаришга жорий этишга муваффақ бўлдилар.

Заводимизда электр энергиясини ҳам тежашга аҳамият берилмоқда. Илгаригидек кўпинча тушлик пайтида дастгоҳ ва агрегатлардаги ёритгичлар ўчирилмай қолиб кетарди. Энди ликда электр билан ёритиш битта постга жамланган. Ҳамма овқатланишга чиққанда навбатчи электрик чироқларни бир жойдан ўчириб қўяди. Шу туфайли корхонамиз учун ниҳоятда зарур бўлган юзлаб киловатт-соат электр энергияси иқтисод қилинаяпти. Учта завод подстанцияси фойдаланишга топширишга тайёрланмоқда. У ишга тушгач, кабель линияларида ва трансформаторларнинг бекор ишлаш оқибатида кўкка совуриладиган электр энергияси тежалади. Бундан ташқари, биз бир қатор иссиқлик трассаларида бугнинг чиқиб кетиши олдини олдик. Ҳали бу соҳада яна кўпгина иш қилишимиз керак.

Корхонамиз машинасозлари КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленуми қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклад ва нутқларида олға сурилган вазифаларни бажара бориб, ўнинчи беш йиллик тўртинчи йилида ҳам катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Дастлабки кварталнинг ўзида 50 тоннадан зиёд металл тежаб қолинди. Ўтган йили эса заводимиз бўйича 200 тоннадан ортиқ металл, 22 минг кубометр табиий газ, 653 минг киловатт-соат электр энергиясини иқтисод қилган эдик.

Тежамкорлик резервлари ҳали кўп. Уларнинг ҳаммаси ҳам иш олинган эмас. Лекин корхонамиз коллективининг энг муҳим халқ хўжалик масалаларидан бирини собитқадамлик билан изчил ҳал қилишга киришганининг ўзи уларнинг иқтисод ва тежамкорлик учун, ҳар килограмм металл, ҳар кубометр газ, ҳар киловатт-соат электр энергиясидан оқилона фойдаланиш учун курашнинг олдинги сафида боришларидан далолат беради. Бу эса заводимизнинг техникавий-иқтисодий кўрсаткичларини янада оширишни, тўқимачилик машиналари ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришни таъминлайди.

В. НАЗАРОВ,
«Тошкентсельмаш» заводи бош инженерининг ўринбосари.

ҚОЛОҚЛАРСИЗ ИШЛАЙМИЗ!

ДАСТЛАБКИ САМАРАЛАР

Масала ошкор, ҳеч қандай расмиятчиликсиз қўйилади. Қолоқлик сабабларини обдон эшитилгач, партиявий принципиаллик позициясида туриб ҳал қилинади, тегишли ёрдам кўрсатилади. Қолоқларнинг дастлабки йўқламасида 100 га яқин цех, участка бошлиғи ёки бригадир тўпланган эди. Кейинги йиғинда уларнинг сони анча камайди. Ҳозирги вақтда қолоқларга амалий ёрдам бериш, илғорлар тажрибасини кенг оммалаштириш шаҳар партия комитети саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотларида қолоқларсиз ишлаш ҳаракатини биринчи планга қўйди. Бунинг учун партия комитети ҳузурида цех, участка бошлиқлари, бригадирлар куни белгиланди. Яъни, ҳар ўн беш кунда қолоқ участка, цехларнинг бошлиқлари ёки бригада раҳбарлари тўпланади. Улар ўз коллективларидаги қолоқлик сабабларини таҳлил қилиб беришади.

— Нима етишмаяпти? Қурилиш материалими ёки ишчи малакаси ёинки маҳоратими?

—Нималар халақит бермоқда? Машина-механизмларнинг туриб қолаётганими ёки хом ашёни етказиб бериш жечиканими?

Шаҳар партия комитети Наманган тикувчилик бирлашмасида қолоқларсиз ишлаш тажрибасини умумлаштирди. Маълум бўлишича, бу ерда киймларни поток усулида тикиш йўлга қўйилгани яхши самара бермоқда. Бу тадбир барча ишчиларнинг ўз вақтида, юқори унум билан меҳнат қилишини таъминламоқда.

Қолоқларсиз ишлаш ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлайди. Уни биз қуйидаги рақамларда кўрамиз: бирлашмада ўтган йили 29,3 миллион сўмлик маҳсулот ўрнига 30,4 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинган бўлса, бу рақам салмоғи 1979 йилда янада кўтарилади. Сифат белгили маҳсулотлар сони ортади.

Бирлашма партия ташкилоти, барча коммунистлар юксак ишлаб чиқариш маданияти учун астойдил курашмоқдалар. Бригада, сменалар ўртасида қолоқларсиз ишлаш мусобақаси кенг авж олиб кетган. Бу ерда М. В. Стрикова, Н. Когай, В. Идрисова каби пешқадамлар ўнинчи беш йиллик планларини бажариб қўйишди.

Шаҳар партия комитетининг тадбиркорлиги туфайли беш йилликнинг ўтган даври мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 21 процент, меҳнат унумдорлиги 13,7 процент кўтарилди. 1979 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини яна 10 процентга ошириш ҳаракати қизитиб юборилди. Бунинг учун барча коллективларда, коммунистлар ўртасида партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишлар кучайтирилмоқда. Сафимизда қолоқлар бўлмайди, деган жанговар шиор қар бир ишчи, қурувчининг муқаддас вазифаси бўлиб қолди. Сифат ва самарадорлик беш йиллигини барча кўрсаткичлар бўйича намунали якунлаш учун қизғин кураш олиб борилмоқда.

З. ТОЖИБОЕВ,
Наманган шаҳар партия комитети саноат ва транспорт бўлимининг мудири.

МОСКВАЛИКЛАР ИЗИДАН

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

Станциямиз меҳнат аҳли КПСС Марказий Комитетининг Москва темир йўли корхоналари коллективларининг поездлар вазни ва узунлигини ошириш ҳисобига юк ташишни тезлаштириш тажрибаси тўғрисидаги қарорини чуқур ўрганмоқда. Коллективимиз аъзолари москваликлар ташаббусига қўшилиб, станциядан бironта ҳам вазни енгил ва нормадагидан қисқа поездларни ўтказишга йўл қўймаяптилар.

Жиззах—Самарқанд—Зиёвуддин участкаларининг профили мураккаб бўлиб, уларда баландлик ва тепаликлар кўп. Шунинг учун ҳам бу участкаларда оғир юкли поездларни ўтказиш анча қийин. Шу туфайли бизнинг станциямизга кўпинча енгил вазнли ва қисқа поездлар кўп келади.

Биз поезд диспетчерлари Р. Назаров, Ҳ. Хатамов, Ж. Аҳмедов, А. Сироткин ва бошқалардан мунтазам равишда вазни енгил ва қисқа поездларнинг қаракати тўғрисида аниқ маълумот олиб, поезд келгунча тепловозсиз турган вагонларни тайёрлаб қўямиз. Станциямизда локомотив бригадалари сменаси алмашинади. Бу ҳам бизга қулайлик туғдирмоқда. Машинистлар бригадаси алмашгунча тайёр турган вагонларни поездларга уламиз. Шу тариқа ҳар сменада 30—40 та вагонни қўшимча йўлга чиқармоқдамиз.

Коллективимиз транспортчилари 1979 йилнинг биринчи кварталида ғайрат билан ишлаб, 5157 та вагон ёки 315043 тонна юкни локомотивларсиз манзилга жўнатдилар ва 103,1 та локомотивни тежаб қолдилар. Агар шу юклар тепловоз билан ташилганда қанчадан-қанча ёқилғи сарф бўларди.

Биз москваликларнинг ибратли ташаббусини янада кенг кулоч ёйдириш учун мавжуд резервлардан унумли фойдаланишга, муваффақиятларимизни янада кўпайтиришга интилмоқдамиз.

Б. БОБОНАЗАРОВ,
Ўрта Осиё темир йўли Зиёвуддин станцияси навбатчиси.

ТЕЖАМКОРЛИК

ҲАММАНИНГ БУРЧИ

«Узбектекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонаси—«Тошкентсельмаш» заводида тайёрланаётган маҳсулотлар республикамиздан ташқарида ҳам маълум ва машҳур. Корхонамиз муҳри босилган тўқимачилик машиналари мамлакатимиздаги 120 дан зиёд шаҳарда ишлатилмоқда. Жаҳондаги қарийб 30 та мамлакатга чиқарилмоқда. Уларнинг характерли хусусияти шундаки, бу машина-ускуналар жаҳон стандартлари даражасидадир.

Ҳа, корхонамиз коллективининг ютуқлари салмоқли. Шу билан бирга заводимиз инженерлари, конструкторлари, ишчилари, халқ контроли группаси аъзолари, ихтиорчилар тўқимачилик машиналарининг техникавий жиҳатини янада яхшилаш йўлларини кидирмоқдалар. Масалан, ўтган йили аввалгиларидан тубдан фарқ киладиган иккита пилталаш машинасини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Мазкур дастгоҳлар автоматлаштириш даражаси ниҳоятда юксак. Уруқларнинг айланиш тезлиги ошган.

Машинасозларимиз янги техниканн яратаётганларида тўқимачилик машиналарига кетадиган металлар ҳажмини камайтиришга, қимматбаҳо металлни тежаб қолишга катта эътибор беришяпти. Иқтисод ва тежамкорлик ҳаммангинг ва ҳар бир кишининг жонажон иши бўлиб қолди. Ишчилар, инженерлар, ихтиорчилар, халқ контроли группаси аъзолари, комсомол прожекторчилари металл, электр энергияси, газ, бугни тежаб-тергаб ишлатиш учун курашда фаол иштирок этмоқдалар.

Темирчилик-пресслаш цехини олайлик. У қора металлар прокатини ишлатадиган асосий истеъмолчидир. Ишчи ва инженер-техник ходимлардан С. Рудницкий, А. Петров ва Т. Казаковалар цех раҳбарларининг диққатини тайёрламаларни киркаётганда кўплаб чиқинди ярмаларини қайта ишлангандай. Косимовнинг юксак маҳорати коъб металлнинг тежаб қолинишини таъминлаяпти.

Қодир Қосимов металлнинг қадрига етиб, оз миқдордаги чиқиндилардан ҳам фойдаланиш йўлини топди. Ишлаб чиқариш технологиясига кўра чиқиндилар қайта эритилишга топширилиши керак. Аммо Қ. Қосимов булардан пишиқ-пухта кичик деталлар ясаб, ҳар ҳафта корхонанинг 70 килограмм металлини тежаб қолмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг барча сайловчиларга Мурожаатида шундай дейилган эди: «КПСС Марказий Комитети ҳар бир совет кишиси... ҳамма ишда мамлакатнинг хўжайини эканлиги туйғусини намоён қиладиган, халқ бойлигидан оқилона фойдаланадиган, дон. металл, ёқилғининг ҳар бир килограммини тежайдиган, жонажон табиатни муҳофаза қиладиган бўлишини ҳаётий муҳим вазифа, деб ҳисоблайди». Корхонамиз партия комитети коллектив аъзоларини илғор ишчилар, ишлаб чиқариш учун жон куйдираётган кишилар ҳисолида хўжайин бўлиш туйғусини тарбияламоқда. Мисолларга мурожаат қилайлик. Ипни пишитадиган асбоблар участкасида пилталаш машиналари учун пўлат рогулькалар кўплаб — йилига 120 мингтадан зиёд тайёрланади. Юз дона рогулькани ишлаб чиқаришга 108 сўм 50 тийин кетади. Ишчилар пўлатни алюминга алмаштиришни таклиф қилдилар. Бундан нима наф. деб ўйлашингиз мумкин. Биринчидан, рогулькалар тайёрлаш жараёни қисқаради. Шу туфайли бир қанча ишчини бошқа участкаларга ўтказиш имконияти туғилади. Иккинчидан эса кўплаб материаллар: абразив кукуни, қайиш, паста ва энг муҳими, металл тежаб қолинади. Алюминдан юзта рогулька тайёрлаш 107 сўм 68 тийинга тушади. Буни ҳами ишлаб чиқариладиган рогулькалар ҳажмига кўпайтирсак, каттагина маблағ ва ҳом ашё иқтисод этилишини кўрамиз.

Учинчи механика цехида тўқимачилик машиналарининг энг йирик деталлари қўлдан чиқарилади. У ҳар йили завод қуюв цехидан 10 тоннага яқин чўян ва 50 тонна алюмин олади. 1,5 йил муқаддам катта деталлар қайта ишланаётганда тахминан 950—960 тонна чўян ва йигирма тоннадан зиёд алюмин чиқитга чиқиб кетарди. Цех рационализаторларидан Раҳматов, Ржанников, Панцирев ва Марсов ўртоқлар чўян чиқиндиси 200 тоннага, алюмин чиқиндисини эса 18 тоннага камайтирадиган таклифни ишлаб чиқаришга жорий этишга муваффақ бўлдилар.

Заводимизда электр энергиясини ҳам тежашга аҳамият берилмоқда. Илгаригидек кўпинча тушлик пайтида дастгоҳ ва агрегатлардаги ёритгичлар ўчирилмай қолиб кетарди. Энди ликда электр билан ёритиш битта постга жамланган. Ҳамма овқатланишга чиққанда навбатчи электрик чироқларни бир жойдан ўчириб қўяди. Шу туфайли корхонамиз учун ниҳоятда зарур бўлган юзлаб киловатт-соат электр энергияси иқтисод қилинаяпти. Учта завод подстанцияси фойдаланишга топширишга тайёрланмоқда. У ишга тушгач, кабель линияларида ва трансформаторларнинг бекор ишлаш оқибатида кўкка совуриладиган электр энергияси тежалади. Бундан ташқари, биз бир қатор иссиқлик трассаларида бугнинг чиқиб кетиши олдини олдик. Ҳали бу соҳада яна кўпгина иш қилишимиз керак.

Корхонамиз машинасозлари КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленуми қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклад ва нутқларида олға сурилган вазифаларни бажара бориб, ўнинчи беш йиллик тўртинчи йилида ҳам катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Дастлабки кварталнинг ўзида 50 тоннадан зиёд металл тежаб қолинди. Ўтган йили эса заводимиз бўйича 200 тоннадан ортиқ металл, 22 минг кубометр табиий газ, 653 минг киловатт-соат электр энергиясини иқтисод қилган эдик.

Тежамкорлик резервлари ҳали кўп. Уларнинг ҳаммаси ҳам иш олинган эмас. Лекин корхонамиз коллективининг энг муҳим халқ хўжалик масалаларидан бирини собитқадамлик билан изчил ҳал қилишга киришганининг ўзи уларнинг иқтисод ва тежамкорлик учун, ҳар килограмм металл, ҳар кубометр газ, ҳар киловатт-соат электр энергиясидан оқилона фойдаланиш учун курашнинг олдинги сафида боришларидан далолат беради. Бу эса заводимизнинг техникавий-иқтисодий кўрсаткичларини янада оширишни, тўқимачилик машиналари ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришни таъминлайди.

В. НАЗАРОВ,
«Тошкентсельмаш» заводи бош инженерининг ўринбосари.

ҚУНТ БИЛАН ЎРГАНМОҚДАЛАР

Мен — туркман қизиман. Эллигинчи йилларнинг охирларида Тошовуздан Чоржўйга келиб, Туркманистон давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирдим. Институтни тугатиб, олдин Тошовузда, кейин Андижонда, сўнгра Тошкентда ўқитувчилик қила бошладим. Ўн етти йилдирки, миллий мактабларда рус тилидан дарс бераман. Ҳар гал рус тили хусусида гап кетганда, Улуғ Октябрь революциясидан сўнг икки қўшни — туркман ва ўзбек халқлари босиб ўтган катта йўл кўз олдимга келади.

Октябрь қуёши шарофати билан ҳар икки қўшни эл хонадонларига ҳам зиё-билим кириб келди. Эндиликда уларнинг фарзандлари ўз тили билан бирга иккинчи она тили — рус тилини қунт билан ўрганмоқдалар. Чунки бу тил бугунги кунда қардошлик воситаси, ўзаро алоқа воситаси бўлиб қолди. Рус тили туфайли халқларимиз фан-маданиятимизнинг энг янги ютуқлари билан танишмоқдалар, энг яхши анъаналарни, маданий-маиший урф-одатлар ва маросимларни ўзлаштирмоқдалар.

Мактабимизда турли миллат фарзандларидан иборат ўқувчи ёшлар икки тилда ўқитилмоқда. Бир улкан оилада аҳил ва иноқ тарбия топаётган ўғил-қизлар кенг ва ёруғ синфхоналарда, яхши жиҳозланган кабинетларда билим олмоқдалар. Тўлиқ кабинет системасини муваффақиятли жорий этганмиз. Метод бирлашма йиғилишларида республикамиз мактаблари ва қардош республикалар мактабларида рус тили ва адабиётини ўқитиш соҳасидаги илғор тажрибаларни ўрганяпмиз. Ўтилаётган дарсларни рус тили ва адабиёти бўйича янги программа ҳамда дарсликлар бўйича олиб бораяпмиз. Тўрт йилдирки, тўртинчи синфдан бошлаб ҳамма синфларда рус тилидан имтиҳон топшириш жорий этилди. Шунингдек, рус тилида синфдан ва мактабдан ташқари олиб бориладиган ишларнинг мазмун-мундарижаси ҳам бирмунча кенгайди.

Мактабимизда ўз соҳасининг ажойиб жонкуярлари — моҳир рус тили ўқитувчилари кўплаб топилади. Улар ўз зиммаларидаги юксак масъулиятни чуқур англаб, коммунизмнинг ёш бунёдкорларини тарбиялаш, ўқитиш ишига катта ҳисса қўшмоқдалар. Биринчи синфдан то ўнинчи синфгача бўлган қайси синфга кирманг, билимга чанқоқ ўқувчи ўғил-қизларнинг ҳар бири уларни «Рус тили ўқитувчимиз» деб ҳурмат билан тилга оладилар. Бу сўзларни ўзига тегишли эканлигини эшитган қайси ўқитувчи қалби фахр ва ғурурга тўлмайди дейсиз!?

Ўқув йилининг сўнгги чораги ҳам охирлаб қолди. Мактабимиз педагогик коллективи бутун эътиборни ёшларга рус тилини пухта ўргатиш, дарслар самарадорлигини бутун чоралар билан оширишга қаратмоқда. Улар кўп миллионли ва кўп миллатли Ватанимизнинг муомала воситаси бўлмиш рус тили жаҳон халқлари орасида тобора кўпроқ ёйилиб бораётганлигини, рус тили мамлакатимизнинг жаҳон маданияти хазинасига ҳисса қўшишига ёрдам бераётганлигини ва шу йўл билан совет кишилари бошқа мамлакатларнинг халқлари маънавий бойликларидан кенг баҳраманд бўлаётганликларини яхши биладилар. Шунинг учун ҳам улар рус тилини ўзларининг иккинчи она тили, деб билиб қадрлайдилар, севадилар, ўқиб ўрганадилар.

Ленинза ПОЛВОНОВА,
Тошкент шаҳар Куйбишев районидаги 223-мактабнинг рус тили ўқитувчиси.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ. Шу кунларда йилловларнинг файзи ўзгача. Қўй-қузилар кўм-кўк майсаларни чимтиб яраб юришибди. Нурота районидаги «Гозғон» давлат наслчилик заводи чўпон-чўлиқлари йилловларга катта бойлик деб қараб, қўйларни яйратиб боқишяпти. Яйловлардан навбатма-навбат фойдаланилаётир. Ана шунда табиат инъоми ўт-ўланлар наст-нобуд бўлмайди. Суратда: хўжаликнинг илғор чўпонлари Сапа Очилов ва Ҳаким Тошев ўртоқлар яйловларда дуркун ўсаётган қузиларни кўздан кечиришяпти.

А. Тўраев фотоси.

ЖАСОРАТ ҚЎШИҒИ

«Қўриқ эпопеяси совет кишиларининг ғоят ажойиб ахлоқий фазилатларини бутун дунёга яна бир бор кўрсатди, бу эпопея сидқидилдан хизмат қилиш рамзи, социалистик замоннинг буюк жасорати бўлиб қолди».

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» хотиралар китобидан келтирилган бу сатрлар совет кишиларининг Қозоғистон республикаси қўриқ ерларини ўзлаштириш, ғалла учун кураша қаҳрамонона, самарали меҳнати ва уларнинг буюк оламшумул жасоратига берилган юксак баҳодир, албатта. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» китоби унинг «Тикланиш», «Кичик ер» асарларининг давоми бўлиб, совет халқи ҳаётида жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эгадир.

Республикамиз саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозлар ҳамда илмий муассасаларда «Қўриқ» асарини ҳар томонлама ўрганиш ва унда баён қилинган қимматли фикрлар ва қўйилган вазифани амалга ошириш юзасидан йиғилиш ва илмий конференциялар бўлиб ўтди ва ўтаётир.

Яқинда Тошкент қишлоқ хўжалик институтида ўтказилган студентларнинг илмий-назарий конференцияси ҳам ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» асарига бағишланди. Конференцияда «Л. И. Брежнев асарларида марксизм-ленинизм назариясини ижодий ривожлантириш» «Қўриқ ерларни ўзлаштиришда КПСС — ташкилотчи ва етакчи куч», «Замондошларимизни коммунистик руҳда тарбиялашда Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» асарининг роли ва аҳамияти», «Ўзбекистонда қўриқ ерларни ўзлаштириш тарихи», «Қўриқ ерларни ўзлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги» деган мавзуларда докладлар тингланди.

Э. ҒУЛОМОВ.

РЕМОНТ СИФАТЛИ БЎЛСИН

Муаммо, изланиш, таклиф

Маълумки, ҳар бир машинанинг конструкцияси у ишлаб чиқарилаётганда бирон ресурс (ишлаш муддати)га мўлжалланади. Масалан, Ярославль мотор заводи дизелларининг капитал ремонтгача ишлаш муддати 10000, Олтой, Владимир, Минск трактор заводлари двигателлариники эса 6000—8000 мотосоатни ташкил қилади. Бундай ресурс Иттифоқимизнинг ўрта иқлим зонаси учун мўлжалланган. Бу эса ўз навбатида Ўрта Осиёнинг иқлим шароитларида двигателларни тўғри эксплуатация қилишни, яъни улардан тўлароқ фойдаланишга эътиборни кучайтиришни тақозо қилади. Шуни айтиш лозимки, автомобиль ва тракторлардаги бузилишларнинг 70—80 процентини двигатель зиммасига тушади. Демак, двигателларнинг ремонт сифатини яхшилаш ҳамда эксплуатация шароитларида техник қаровларни тўғри ташкил қилиш зарур.

Изланишлар Ўрта Осиё регионига мансуб юқори ҳарорат, концентрацияси катта бўлган чанг зарралари, атмосфера босимининг камлиги, ҳаво тозалагич, мой ва ёнилғи фильтрларининг тез ишдан чиқиши двигателларнинг ресурсини камайтиришга олиб келишини кўрсатмоқда. Шунинг натижасида двигателларнинг ишлаш муддати мўътадил иқлим шароитларидагига нисбатан 1,5—2 марта камайиб кетяпти.

Эксплуатация хўжаликларининг двигателларга эҳтиёжини янги двигателлар ҳисобига қондириш қийин. Шу маънода ремонтдан чиққан двигателларнинг сифатига талабнинг ортиб бориши табиийдир. Уларнинг тортиш кучи, қуввати ва ресурси янги двигателникига тенг ёки яқин бўлиши зарур. Фақат шу ҳолдагина двигателларни ремонт қилиш ташкилотлари рентабелли бўладилар. Афсуски, мотор заводларига ва моторни ремонт қилиш заводларига эксплуатация хўжаликларидан кўпгина эътирозномаларнинг тушаётганлиги республикамиз олимларини ўйлантириб қўймоқда.

Механизатор, тракторчи ҳамда инженер-техник ходимлар билан суҳбатлар шуни кўрсатдики, капитал ремонтдан келган трактор ва двигателларнинг сифати ва ишлаш муддати ҳозирги кун талаблари даражасида эмас. Двигателларнинг 40—50 процентини нагрузкасиз обкатка пайтидаёқ ишламай тўхтаб қоляпти. Бизнингча, бунинг асосий сабаби ремонт заводларидаги слесарларнинг ўз бурчига совуққонлик билан қараётганлигидир. Масалан, кўп ҳолларда шатун ва ўзак болтлари яхши тортилмаган бўлиб, оқибатда бундай двигатель бир оз ишлагандан сўнг ишдан чиқади (тирсакли вал вкладишда буралмай қолади). Кўпгина двигателларнинг сокида ёки гильзасида тешиклар учраб туради. Натижада, сув қизиб кетади.

Шуни айтмоқ лозимки, эксплуатация шароитида жуда тез ишдан чиқадиган агрегатлардан бири юқори босимли ёнилғи насосининг презион жуфтларидир (гильза —плунжен, клапан —ўрнидиқ, игна — тўзитгич). Бунга асосий сабаб — чанг зарраларидир. Чанг зарралари жуфтлар орасига тушиб, уларнинг ейилишига олиб келади. двигателнинг қуввати пасайиб кетади. Умуман, чангли ва иссиқ шароитда эксплуатация қилинаётган трактор двигателларининг (янги ёки капитал ремонтдан чиққанидан қатъий назар) ишлаш муддати жуда қисқариб кетяпти. Юқорида айтилганидек, янги двигателларнинг ресурси 6000 мотосоат бўлиши лозим. Демак, трактор нагрузка остида 6000 соат ер ҳайдаши ёки бошқа ишларни бажариши, шундан сўнггина двигателни капитал ремонтга қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Ваҳолонки, биз бўлган хўжаликларда тракторлар нагрузка остида бир мавсумда узоғи билан 2—3 ой, яъни 1000—1200 мотосоат ишлаяпти. Двигателлар нари борса икки мавсум ишлатилгандан сўнг капитал ремонтга топширияпти. Бу, Ўрта Осиё шароитида эксплуатация қилинадиган двигателлар ва унинг агрегатларининг ишлаш муддати Иттифоқимизнинг мўътадил иқлим шароитли зоналаридагига қараганда 2—2,2 марта кам, деган маънони билдиради. Оқибатда қишлоқ хўжалик ишларини бажаришнинг таннархи қимматлашиб кетяпти, тўғрироғи 4—5 йил давомида битта ўрнига иккита двигатель ишдан чиқяпти.

Хўш, бундай нобудгарчиликнинг олдини олиш мумкинми? Бизнинг фикримизча, бу муаммони ҳал қилиш учун эксплуатация хўжаликларида ва ремонт ташкилотларида қуйидаги масалаларга эътиборни кучайтириш керак. Энг аввало, трактор-чи ва механизаторларнинг савиясини тобора ошириш, тракторлар (двигателлар)нинг кундалик техник қаровини пайтида ҳаво тозалагичини тозалаш ва ундаги мойни алмаштириш, двигатель ва радиаторларни чанг, тупроқдан ҳалос қилиш, дағал ва майин ёнилғи фильтрларини тозалаш, ёнилғини, албатта, 10 кун тиндириш, мой ва ёнилғиларни очиқ ҳолда сақлашни қатъиян ман қилиш зарур. Муҳими, 1 ва 2-техник қаров ўз вақтида ва тўла ҳажмда бажарилиши ҳамда ёнилғининг майин фильтрларини 400 мотосоат ишлагандан сўнг алмаштириш лозим. Ҳар йили кузда эса двигателни қурумдан тозалаш даркор.

Эҳтиёжни фақат янги двигателлар ҳисобига қондириб бўлмайди. Шу сабабли капитал ремонтдан келган двигателларнинг эксплуатациясига эътиборни кучайтириш керак. Бунинг учун аввало двигателни обдан обкаткадан чиқаришни тавсия қиламиз. Хўжаликларда обкатка қилиш шароитини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу жараён умуман нотўғри олиб борилар экан. Кўпгина ҳолларда обкатка фақат нагрузкасиз қилиниб, сўнг бу двигатель ўрнатилган трактор билан ер ҳайдаш бошланар экан. Афсуски, бундай ҳолда двигатель тўла нагрузка билан ишлаганда тезда сафдан чиқади. Бунинг асосий сабаби ҳали двигатель тўла нагрузка билан ишлашга қодир эмаслигидир, чунки, ундаги ейилиш жараёнлари ҳам мувозанатлашгани йўқ. Катта нагрузка остида мой пардаси йиртилиб кетади ва жуфтларда қуруқ ишқаланиш содир бўлади. Бу эса тирсакли вал, поршень ёки газ тақсимловчи валнинг ўз втулка ва гильзаларида тиқилиб қолишига олиб келади. Демак, капитал ремонтдан олинган двигатель тез ишдан чиқмаслиги учун нагрузка остида обкатка қилишни тўғри ташкил қилиш керак. Шунга кўра, двигателнинг 25—30 соат нагрузка остида ишлаши кифоя. Бунинг учун двигателни трактор ўрнатиб трактор тележкасига 500, 1000, 1500, 2000, 2500 ва 3000 килограмм вазндаги бетон плита солиб, ҳар хил тезликда обкатка қилиш лозим. Ҳар бир нагрузкада 5 соатдан ишлаш етарли. Обкаткадан сўнг двигателнинг мойи, албатта, алмаштирилиши лозим.

Энди бир-икки оғиз сўз ремонт ташкилотларига қўйиладиган асосий талаблар ҳақида. Улар двигателларни нагрузка остида обкатка қилишни имконияти борича завода ташкил қилиши, капитал ремонтдан чиққан двигателнинг қувват ва самарали кўрсаткичлари, ёнилғи сарфи янги двигателники каби бўлишини таъминлаши, слесарлар ишига эътиборни кучайтириб, тирсакли вал ва ўзак подшипникларининг ўқлари бир текисликда ётишига аҳамият бериши, поршенга кийгизиладиган халқаларнинг бирлигини, албатта, текшириб талабга жавоб берадиганини ўрнатиши, головка ва цилиндрлар блокини гидропрессда текшириш керак.

Мазкур талаблар амалга оширилса, капитал ремонтдан чиққан двигателнинг ресурси янги двигателникига яқинлашар ва заводга эксплуатация хўжаликларидан эътирозномалар тушмас эди. Бундан эса пировард натижада эксплуатация хўжаликлари ҳамда ремонт ташкилотлари катта манфаат кўрган бўлар эдилар.

С. ҚОДИРОВ,
Тошкент автомобиль-йўллар институти доценти, техника фанлари кандидати.

Н. НАБИЕВ,
Тошкент область, Бўка районидаги Тимирязев номли колхоз раиси.

Ж. РАҲМОНОВ,
Самарқанд область, Ҳатирчи районидаги «Партия XXII съезди» колхози раиси.

УЛКАН ХИРМОННИ КЎЗЛАБ

АНДИЖОН, («Совет Ўзбекистони» махсус мухбири). Бўз районидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маноп Жалолов директорлик қилаётган «Партия XX съезди» совхозида 3150 гектар пахта майдонида яшил пайкаллар бунёд этилди. Меҳнат Қизил Байроқ орденли хўжалик аъзоматлари бу йил гектаридан пландаги 34 центнер ўрнига 40 центнердан юқори сифатли пахта топшириш мажбуриятини олишган.

Совхознинг Ҳ. Ҳамроқулов, М. Хуралиев, А. Абдураҳмонов, М. Зокирова ўртоқлар бошқарувчилик қилаётган бўлимлари деҳқонлари гектаридан 50—55 центнердан «оқ олтин» хирмонини кўтаришга қарор қилишган.

— Бизда пахта усталари оз эмас, — дейди гурур билан совхоз директори Маноп Жалолов. — Назиржон Деҳқонов, Долим Тоғаев, Азимжон Тожибоев, Собир Мусаев, Райимжон Абдураҳмонов, Асанбой Мусаевлар ана шулар жумласидандир. Хўжалигимиз меҳнат аҳлининг фахри бўлиб қолган бундай ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалар аъзолари гектаридан 55—65 центнердан хирмон кўтаришни пўлжаллаб туришибди.

Улкан хирмонни кўзлаган совхоз далаларида ғўза парвариши кун сайин авж олдирилмоқда. Ғўзага биринчи ишлов бериш яқин кунларда тугалланади.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ФРАНЦИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ XXIII СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

ПАРИЖ, 14 май. (ТАСС). Франция Коммунистик партиясининг XXIII съезди кеча Париж атрофидаги Сент-Уэнда ўз ишини тамомлади. Съезд ишида икки мингга яқин делегат қатнашди.

Съездда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси, шунингдек кўпгина қардош коммунистик ва ишчи партиялар, прогрессив ва миллий озодлик ҳаракатларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Съезд қатнашчилари Франция Коммунистик партиясининг Бош секретари Жорж Марше қилган ҳисобот докладни бир овоздан маъқулладилар. «Келажак ҳозирги кундан бошланади» деган сиёсий резолюция қабул қилинди. Бу резолюцияда Францияниг ички сиёсий аҳволи ва мамлакат экономикасидаги кризисли ҳолат кўриб чиқилади, мамлакат олдида турган жиддий проблемаларни ҳал этиш йўллари таклиф этилади, халқаро вазият анализ қилинади, ҳозирги жаҳонда социалистик мамлакатларнинг позицияларини мустаҳкамланиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилади.

Партия уставига ўзгартишлар ҳам киритилди.

Съездда партия раҳбар органларининг янги состави сайланди.

Ж. Марше сўнгги мажлисда якунловчи нутқ сўзлади. У Франция коммунистлари бутун жаҳонда империализмга қарши, социал тараққиёт учун, мустақиллик, тинчлик, қуролсизланиш, озодлик ва социализм учун кураш олиб бораётган кучлар билан бирдамликни мустаҳкамлашга интилаётганлигини уқтириб ўтди.

Ж. Марше сўзини давом эттириб, бундай деди: Франция Компартияси меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, демократик ҳуқуқ ва эркинликларни кенгайтириш учун кураш олиб бормоқда. Биз шу мақсадга эришмоқ учун меҳнаткашларнинг, кенг халқ оммасининг интилишига таянувчи сўл кучлар бирлигини ёқлаб чиқмоқдамиз. Миллий манфаатларни ҳимоя қилаётган халқ партияси ва революцион партия бўлмиш бизнинг партиямиз ишчилар синфини озод қилиш учун, Франция озодлиги учун кураш олиб бормоқда. Бизнинг олдимизда кучли душман турганлигини, кураш қийин шароитда олиб борилишини биламиз. Аммо, ҳақиқат биз томонда эканлигини, ҳам биламиз ва ғалаба қозонишимизга аминмиз.

Съезднинг охирида «Интернационал» ва Францияниг миллий гимни «Марсельеза» айтилди.

Бугун Франция Компартияси янги составидаги Марказий Комитетнинг биринчи пленуми бўлди. Пленумда Франция Компартиясининг Сиёсий бюроси, ФКП Марказий Комитетининг секретариати ва Марказий сиёсий контроль комиссияси сайланди.

Ж. Марше яна ФКПнинг Бош секретари қилиб сайланди.

АВСТРИЯ ЙЎЛЛАРИДА «ЖИГУЛИ»ЛАР

ВЕНА. Совет «Жигули» автомобиллари Австриянинг автомобиль ҳаваскорларига ғоятда манзур бўлмоқда. Ҳозир бу машиналарни мамлакатнинг ҳамма гўшаларида учратиш мумкин. Йўл танламайдиган «Нива» автомашинасига айниқса талаб катта. «Рундшау» газетасининг ёзишича, бу машинанинг ғоятда яхши юриши, тежамлилиги, пухта ва қулайлиги, уни бошқариш осонлиги туфайли у қишлоқ жойларда, шунингдек тоғлик шароитларда айниқса қўл келади.

(ТАСС).

МАҚСАД — БИРДАМЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ

РАБОТ. Марокашнинг Фес шаҳрида мусулмон мамлакатлари ташқи ишлар министрларининг 10-конференцияси низомасига етди. Конференцияда қирқ давлат намояндаси қатнашди.

Конференцияда Яқин Шарқ проблемасини адолатли тарзда ҳал этиш, апартеид ва ирқчиликка қарши, ўз миллий мустақиллиги учун курашаётган Африка халқларини самарали равишда қўллаб-қувватлаш учун курашда мусулмон мамлакатлари бирдамлигини мустаҳкамлаш тўғрисида бир қанча ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу мўътабар анжуманнинг иштирокчилари қабул қилинган махсус резолюцияда Садатнинг хоинона сиёсати ва унинг сионизм ҳамда империализм билан шармандаларча тил бириктирганлигини якдиллик билан қораладилар.

(ТАСС).

ИРҚЧИЛИККА ҚАРШИ

НЬЮ-ЙОРК. Бу ерда ирқий ва сиёсий репрессияларга қарши кураш миллий иттифоқининг V съезди иш бошлади. АҚШнинг ҳар томонидан Нью-Йоркка келган неча юзлаб делегатлар қора танли америкаликларнинг ва аҳоли бошқа табақаларининг реакция ҳамда монополиялар ҳужуми шароитида ўз ҳуқуқлари ва демократик эркинликлари йўлида олиб бораётган кураши муҳим проблемаларини муҳокама қилмоқдалар.

АҚШ сиёсий маҳбуслари — миллий иттифоқ, — «уилмингтонлик ўнлар» раҳбари Б. Чейвис, америкалик ҳиндилар ҳаракатининг бошлиғи Р. Минс, негр ёшларидан Ж. Меррит, Пуэрто-Рико мустақиллиги учун курашчи Р. Миранда съезд иштирокчиларига мактуб йўлладилар. Миллий иттифоқ АҚШдаги шу сиёсий маҳбусларнинг озодлиги учун курашмоқда.

(ТАСС).

ЯДРО ҚУРОЛИ ТАҚИҚЛАНСИН

ТОКИО. Бу ерда атом ва водород қуролини тақиқлаш учун кураш Умумяпония кенгаши правлениесининг кенгайтирилган мажлиси очилди. Мажлисда Япония прогрессив партияларининг, касаба союз бирлашмаларининг, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотларининг вакиллари қатнашмоқда. **Мажлисда сўзга чиққан нотиқлар Қўшма Штатлар ядро қуролини бойитаётган ядро қуролларини жойлаштираётганликлари ҳақида маълумотлар келтирдилар ва Япония ҳукумати Япония—Америка ҳарбий иттифоқини мустаҳкамлашга қаратилган йўлини ғазаб билан қоралайдилар.**

(ТАСС).

Р. РАОНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ДЕҲЛИ, (ТАСС). Ҳиндистон Коммунистик партияси Миллий Кенгашининг бош секретари Р. Рао бундай деди: Ҳиндистон—Совет муносабатларини кучайтириш ва кенгайтиришга бутун чоралар билан ёрдам бериш — Ҳиндистондаги сўл ва демократик кучлар олдида турган муҳим вазифаларнинг биридир. Р. Рао Ҳиндистон Коммунистик партияси Марказий Ижроия Комитетининг 8—10 майда Деҳлида ўтказилган мажлисига бағишланиб, бу ерда уюштирилган матбуот конференциясида нутқ сўзлади.

Р. Рао кейинги вақтларда Ҳиндистон меҳнаткашларининг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги кураши кенгайиб кетганлигини таъкидлади. У, жумладан, мамлакат парламенти биноси олдида қишлоқ хўжалик ишчиларининг кўп минг кишилик намойиши, Гужарат ва Орисса штатларида ишчиларнинг оммавий намойишлари ўтказилганлигини айтди.

Р. Рао Жануби-Шарқий Осиё районида кейинги вақтларда рўй берган воқеаларга тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: Ҳиндистоннинг бутун халқи, мамлакатдаги барча сиёсий партиялар қаҳрамон Вьетнамни қўллаб-қувватладилар ва Хитой агрессорларини қоралайдилар. Аммо, деди у, жаҳон реакцияси кучлари ўзларининг жиноий режаларидан воз кечганлари йўқ. Пекин раҳбарлари яна авантюра йўлига ўтишга қодирдирлар. Жумладан, ХХР Давлат Кенгаши Бош министрининг ўринбосари Дэн Сяопинниинг Вьетнамга «яна бир марта сабоқ берамиз» деб қилган таҳдиди буни исбот этади. Пекинниинг аҳмоқона, гегемончилик ниятларини амалга оширишга йўл қўймаслик, бу ниятлар Ҳиндистонга ва региондаги бошқа мамлакатларга тутдираётган хавфни очиқ кўрсатиб бериш учун барча куч-гайратни сарф қилиш зарур, деб таъкидлади Ҳиндистон Коммунистик партияси Миллий Кенгашининг бош секретари.

ПРИНЦИПИАЛ ПОЗИЦИЯ

ГАВАНА. (ТАСС). Конференция ўтказувчи Куба миллий тайёргарлик комитети раисининг ўринбосари, Куба Компартияси Марказий Комитети секретариатининг аъзоси Антонио Перес Эрреро ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: Ҳиндистон—Совет муносабатларини кучайтириш ва кенгайтиришга бутун чоралар билан ёрдам бериш — Ҳиндистондаги сўл ва демократик кучлар олдида турган муҳим вазифаларнинг биридир. Р. Рао Ҳиндистон Коммунистик партияси Марказий Ижроия Комитетининг 8—10 майда Деҳлида ўтказилган мажлисига бағишланиб, бу ерда уюштирилган матбуот конференциясида нутқ сўзлади.

Р. Рао кейинги вақтларда Ҳиндистон меҳнаткашларининг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги кураши кенгайиб кетганлигини таъкидлади. У, жумладан, мамлакат парламенти биноси олдида қишлоқ хўжалик ишчиларининг кўп минг кишилик намойиши, Гужарат ва Орисса штатларида ишчиларнинг оммавий намойишлари ўтказилганлигини айтди.

Р. Рао Жануби-Шарқий Осиё районида кейинги вақтларда рўй берган воқеаларга тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: Ҳиндистоннинг бутун халқи, мамлакатдаги барча сиёсий партиялар қаҳрамон Вьетнамни қўллаб-қувватладилар ва Хитой агрессорларини қоралайдилар. Аммо, деди у, жаҳон реакцияси кучлари ўзларининг жиноий режаларидан воз кечганлари йўқ. Пекин раҳбарлари яна авантюра йўлига ўтишга қодирдирлар. Жумладан, ХХР Давлат Кенгаши Бош министрининг ўринбосари Дэн Сяопинниинг Вьетнамга «яна бир марта сабоқ берамиз» деб қилган таҳдиди буни исбот этади. Пекинниинг аҳмоқона, гегемончилик ниятларини амалга оширишга йўл қўймаслик, бу ниятлар Ҳиндистонга ва региондаги бошқа мамлакатларга тутдираётган хавфни очиқ кўрсатиб бериш учун барча куч-гайратни сарф қилиш зарур, деб таъкидлади Ҳиндистон Коммунистик партияси Миллий Кенгашининг бош секретари.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ **КОБУЛ. Афғонистон Демократик Республикаси ҳукумати Садат режими билан сиёсий муносабатларни тамомила узиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ҳукуматнинг бу ерда тарқатилган баёнотида шу ҳақда гапирилади. Бу чора, деб таъкидлаб ўтилади ҳужжатда, президент Садатнинг Миср—Исроил сепарат шартномасига қарши норозилик билдириш учун амалга оширилди. Бу шартнома Фаластин араб халқининг ва Миср меҳнаткаш халқининг манфаатларигагина эмас, барча араб мамлакатларининг манфаатларига ҳам тамомила зиддир.**

✦ **ПРАГА. Чехословакия деҳқонлари Ямполь областидаги совет лавлагикорларининг қанд лавлаги майдонининг ҳар гектаридан 5 тонна қанд-шакар олиш борасидаги ташаббусини кенг қўллаб-қувватламоқдалар.**

Чехословакиядаги 183 қишлоқ хўжалик кооперативи бу йил ана шундай юксак кўрсаткичга эришиш юзасидан бир неча қанд-шакар заводининг коллективлари билан комплекс социалистик мажбуриятлар ҳақида шартнома тузди.

✦ **ЛА-ПАС. 1 июлда Боливияда ялпи сайлов ўтказиш мўлжалланган эди. Мамлакатдаги демократик ва халқ бирлиги фронти шу сайловнинг ўтказилишини қўллаб-қувватлади. Боливия компартияси ҳам шу фронтга кирди. Фронтнинг бу ерда тарқатилган баёнотида бундай дейилган: кейинги вақтларда ички реакция сайловнинг ўтказилишига ҳалақит бериш ва пировард натижада давлат тўнтариши қилиш учун шарт-шароит вужудга келтириш мақсадида ҳамма чораларни кўрмоқда. Жумладан, ўнг кучларнинг ҳукуматга қарши уюштирган забастовкалари ва бошқа қўпорувчилик ишлари ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.**

(ТАСС).

«ТАЙМС» ГАЗЕТАСИ ЧИҚМАЁТИР

ЛОНДОН. Англиядаги энг йирик газеталардан бири — «Таймс» газетаси босмахона ишчиларининг забастовкаси олти ойдан буён давом этмоқда. Иш ташловчилар меҳнат шароитларининг яхшиланишини ва иш билан таъминлашни талаб этмоқдалар.

Газетанинг хўжайинлари кейинги кунларда ўз шартларини ишчиларга мажбуран қабул қилдириш учун яна уриниб кўрдилар. Аммо полиграфчилар миллий уюшмаси мамлакат журналистлари миллий иттифоқи билан биргаликда маъмурият-нинг янги пайрангларини қатъиян рад этди. Босмахона ишчилари хўжайинлар меҳнаткашларнинг талабларини тўла қондирган тақдирдагина «Таймс» газетаси чиқа бошлайди, дедилар.

Мамлакатда иш ташловчилар билан бирдамлик ҳаракати кучайиб бормоқда. Лейбористлар партиясининг етакчи арбобларидан бири А. Бенн Буюк Британиядаги барча касаба союзларига мурожаат қилиб, уларни иш ташлаган полиграфчиларни қўллаб-қувватлашга чақирди.

(ТАСС).

● СПОРТ ● СПОРТ ● ● СПОРТ ● СПОРТ ● ● СПОРТ ● СПОРТ ●

- Илғор хўжаликнинг ибратли ташаббуси
- Йирик спорт комплекси барпо этиляпти
- Кураш усталари қишлоқ меҳнатчилари меҳмони
- Мусобақа байроғи кўтарилади

ҚИШЛОҚ СПОРТЧИЛАРИ ҲАЁТИДАН

БЎЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАР МАСКАНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Наманган областидаги В. И. Ленин номли Поп территориал-ишлаб чиқариш бирлашмасининг оммавий физкультура ва спорт ишларини ривожлантириш соҳасидаги тадбирларини маъқуллаб, тегишли қарор қабул қилиши қишлоқ жойларда жисмоний тарбия ва спортни янада оммавийлаштиришга катта аҳамият берилаётганидан далолатдир. «В. И. Ленин номли бирлашманинг партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва маъмурияти,— дейилади мазкур қарорда,— физкультура билан спортнинг партия социал-иқтисодий программасини амалга оширишдаги ролига катта аҳамият бериб, меҳнаткашларни жисмоний тарбиялашни янада яхшилаш, ...қўшимча суръатда бир қанча тадбирларни амалга оширишни мўлжаллаб қўйдилар».

Поп районидаги В. И. Ленин номли территориал-ишлаб чиқариш бирлашмасида ўзига хос спорт байрами. Халқаро класслардаги спорт мастери, моҳир курашчи Ҳасан Заҳириев камол топган қишлоқда жисмоний тарбия ва спорт ишларини ривожлантиришга, оммавийлигини таъминлашга алоҳида эътибор бериляпти. Спорт ишларини ривожлантириш билан унинг моддий базаси мустаҳкамланаётганлиги қишлоқ ёшларининг спорт билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар очмоқда. Бирлашма партия ва жамоат ташкилотлари қишлоқ жойларда спорт ишларини ривожлантириш меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва қишлоқда турмуш маданятини юксалтиришнинг муҳим омилларидан, деб қарамоқдалар.

Спорт ишларини ривожлантиришда партиявий раҳбарликни тўғри йўлга қўйган бирлашма партия ташкилоти касаба союз ва комсомол ходимлари билан ҳамкорликда режаларни дадил амалга оширяпти. Жумладан, Ғурумсарой поёлкасида йирик спорт комплекси барпо этилмоқда. Мазкур стадион реконструкциядан кейин 15 минг томошабинни бағрига оладиган бўлди. Спортнинг енгил атлетика тури билан шуғулланиш учун қулайликлар яратиладиган. Бунинг учун югуриш йўлкаларига сунъий қоплама ётқизиш мўлжалланган. Стадион территориясида бунёд этилган спорт зали, 700 ўринли кураш манежи, мерганлик тири, теннис майдончалари тахт қилиб қўйилди. Буларнинг бари спорт комплекси қурилишининг биринчи навбати учун мўлжалланган объектлар. Келажакда ГТО шаҳарчаси, тренер ва спортчилар учун махсус хоналар, юз ўринли меҳмонхона, сузиш бассейни барпо этиш мўлжалланган

Эртага Ғурумсаройдаги спорт комплексининг тантанали очилиш маросими бўлади. Қишлоқ аҳли бўлажак чемпионлар камол топадиган ажойиб спорт масканида ўзига хос байрамнинг шоҳиди бўладилар. Бу ерда миллий кураш усталаридан Эргаш полвон Ҳакимов, Сотволди Зиёдов, Алишер Муҳсиналиевлар ўз маҳоратларини намойиш қиладилар. Жаҳон кубогининг совриндори Х. Заҳириевнинг издошлари ташриф буюрадилар. Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш бирлашмаси территориясида бир спорт мастери, икки спорт мастерлигига номзод, 17 биринчи разрядли ва мингдан зиёд оммавий разрядли спортчи бор. ГТО нишондорлари сафи кенгайиб бормоқда.

— Қишлоғимизда физкультура ва спорт ишлари бўйича кўзда тутилган тадбирларнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланиши бизни жуда мамнун этди,— дейди В. И. Ленин номли Поп территориал-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, СССР Олий Советининг депутати Аҳмаджон Одилов. — Қишлоқ жойларда ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун зарур шароитлар яратиб бериш замон талабидир. Чунки, жисмоний тарбия билан шуғулланган кишининг саломатлиги мустаҳкам, кайфияти чог, руҳи тетик ҳамда меҳнатида унум бўлиши эндиликда сир эмас. Спорт мусобақаларини томоша қилгани келиш эса мэданий дам олишнинг самарали усулларидан, деб биламан. Биз партиямиз қарорига жавобан спорт ишларини ривожлантириш бўйича кўзда тутилган тадбирларни муддатида амалга ошираверамиз, ёшларни жисмоний тарбия билан шуғулланишга кўпроқ жалб этаверамиз.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Суратда: ғурумсаройлик ёшлар кураш бўйича машқ бажармоқдалар.
Ж. Тўраев фотоси.

ЭРКИН КУРАШ:

ҒУРУМСАРОЙЛИКЛАР ҚУВОНЧИ

Қишлоқ аҳлининг қувончига қувонч қўшилди. Эртага фойдаланишга топширилаётган спорт комплексининг кураш манежида Ўзбекистон ССР XVIII Спартакиадаси программаси бўйича мусобақа байроғи кўтарилади. Бу ерга СССР халқлари VII Спартакиадасига пухта ҳозирлик кўраётган республикамиз эркин кураш усталари ташриф буюрадилар. Ғурумсарой қишлоғи бир неча кун мобайнида полвонлар билан гавжумлашиб туради.

Маълумки, республика Спартакиадасида кучлилар сараланади. Москвада ўтадиган йирик баҳсда иштирок этадиган республика терма командасининг мавқеи Ғурумсаройдаги беллашувларга кўпроқ боғлиқдир. Курашчиларимиз бу йилги Спартакиадада кучли олтиликдан жой олишни мўлжалламоқдалар. Эркин кураш усталарига республикада хизмат кўрсатган тренер К. Аблаев устозлик қилмоқда. СССР терма командасининг устозлари пахтакор ўлка полвонларидан тўққиз нафарини турли мусобақаларда совет спорти шарафини ҳимоя қилишга жалб этишган. Ўзбекистонда умидли курашчилар камол топаётганлиги билан мухлислар фахрланадилар. Эдуард Фатиков, Ҳасан Заҳириев, Анвер Абдураманов, Александр Ҳаймовичлар мамлакат, Европа ва жаҳон миқёсида ўтказилаётган учрашувларда муваффақиятли беллашиб, ишончли оқламоқдалар. Моҳир курашчи Ҳасан Заҳириевнинг Жаҳон кубоги учун ўтказилган беллашувларда қўлга киритган ютуқлари, айниқса, қувончли бўлди. Ўйлаймизки, Ғурумсаройдаги кураш майдонига тўшалган гиламда ҳам республикамиз полвонлари маҳорат кўрсатиб, олқишга сазовор бўладилар.

И. ФАЙЗИЕВ.

ОБЛАСТЬ СПАРТАКИАДАСИ:

ҒОЛИБЛАР

Гулистонда халқ маорифчиларининг область 6-спартакиадаси бўлиб ўтди. Спартакиада чемпионлиги учун курашда областнинг район ва шаҳарларидан келган 12 команда ўзаро куч синашди. Мусобақага яхши тайёргарлик кўрган Сирдарё район вакиллари умумкоманда ҳисобида голиблик қилдилар. Ғ. Ғулом номли педагогика институти командаси иккинчи, Сирдарё шаҳар халқ маорифи бўлими вакиллари учинчи ўринни эгаллашди.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БЕЛЛАШУВЛАР, ТЎПЛАР, ОЧКОЛАР

◆ **КАМОН ОТИШ.** Тбилисида ўтказилаётган халқаро турнирда 106 спортчи иштирок этмоқда. Мусобақанинг биринчи куни аёллар ўртасида инглиз камончиси Р. Фенвик пешқадамлик қилди. Тошкентлик О. Рогова иккинчи ўринни эгаллади.

◆ **ҚИЛИЧБОЗЛИК.** Бонндa ўтказилган анъанавий халқаро турнирда совет рапирачилари муваффақият қозондилар. Бу галабага А. Романков (Минск), киевлик В. Смирнов билан С. Косенко, С. Исаков (Олмаота)-лар қатори тошкентлик Собир Рўзиев ҳам муносиб ҳисса қўшди.

◆ **ВЕЛОПОЙГА.** Жаҳон пойгасининг бешинчи босқичида 169 километрли йўлни 4 соату 23 минутда босиб ўтган куйбишевлик С. Сухорученков маррада биринчи бўлди. Умумкоманда ҳисобида совет спортчилари олдинда боришмоқда.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ДА УЧРАШУВ

ЖАСУР ҚИЗ ҲИКОЯСИ

Ўзбек халқининг жасур қизи, Улуғ Ватан урушининг суронли йилларида номи тилларда достон бўлган разведкачи ва мерган, истеъдодли шарқшунос олима Зебо Ғаниева республикамиз пойтахти — Тошкент шаҳрида меҳмон бўлиб турибди. Куни кеча у «Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясининг ижодий коллективи билан учрашди.

...У нафосат оламининг ошиғи эди. Етук санъаткор бўлишни орзу қиларди. Аммо, машъум уруш қизнинг бу режаларини тўзитиб юборди. 1941 йил июль ойида Зебо Ғаниеванинг ҳарбий таржимаи ҳоли бошланди. Луначарский номли давлат театр санъати институтида таҳсил кўраётган Зебо кўнгилли равишда 3-Москва коммунистик дивизиясига кирди. Тиш-тирноғигача қуролланган немис-фашистлари она-Ватанимиз пойтахти — жонажон Москвага яқинлашиб қолганди. Шунда Зебо Ғаниева Москва—Тошкент поездига сотиб олган билетини қайтариб берди-да, қўлига қурол олди. Комсомол қиз урушнинг дастлабки кунлариданоқ абжир радведкачи, чаққон алоқачи ва моҳир мерган бўлиб танилди. У снайпер қизлар ҳаракатининг ташаббускорларидан бири сифатида майдонга чиқди, «Биронта ҳам фашист солдати муқаддас совет тупроғи узра бошини кўтариб юрмаслиги керак!» Бу — Ғаниеванинг жанговар шиори эди.

1942 йил августидаги даҳшатли жангларнинг бирида Зебо оғир яраланди. Қуролдош дўстлари кичик лейтенант Ғаниеванинг ҳаётини сақлаб қолиш учун кўлларидан келган барча чораларни кўрдилар. Бир йил давомида қизни 17 бор операция қилишди.

Тинч кунлар бошланди. Зебо Ғаниева университетга кириш учун она юрти Тошкентга қайтди. Шу орада уни «Тоҳир ва Зуҳра» фильмида Хоразм хони қизи ролини ижро этишга таклиф қилишди. Зебо эса, мендан қанақа малика чиқарди, ҳассага таяниб зўрға юряпманку, деб кулиб юборди. Бироқ ўзбек кино санъатининг улкан арбоби, фильмнинг постановкачи-режиссёри Наби Ғаниев ўз айтганида туриб олди. Суратга олишнинг биринчи куниёқ Зебонинг оёқлари зирқираб оғрий бошлади. Иситмаси кўтарилди. Аммо, чекинишнинг ижожи йўқ эди. Ана шунда Зебо фронтда бўлгани каби ўзига-ўзи бардош бериш керак, деб хитоб қилди.

Фан кандидати, шарқшунос олима Зебо Ғаниева тез-тез мамлакатимиз бўйлаб сафар қилади. Хизмат юзасидан чет элларда ҳам бўлади. У ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида катта иш олиб бормоқда.

Суратда: юртдошимиз Зебо Ғаниева.
А. Тўраев фотоси.

ТЕКИНХЎРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

ҚЎЛИ ҚИНҒИРНИНГ ЙЎЛИ ҚИНҒИР

Марғилондаги 7-саноат моллари магазинининг тайёр кийимлар бўлими мудири М. Отахоновнинг кўзлари ўйнаб турибди. Мана, бир неча кундирки, у юрагини ҳовучлаб юрган бўлса-да, буни ҳеч кимга сездирмасликка уринади. Юзларида табассум, қўллари қўксида, харидорларга эшиттириб, моллларнинг таърифини келтиради...

Магазинга кириб келган икки харидор аёл хотин-қизлар пальтолари бўлимидаги кийимларни анча кўздан кечиришди. М. Отахонов уларнинг олдида парвона бўлар, тилидан бол томарди.

— Бунақа пальто бир келди-келди-да. Материалини айтмайсизми, қундузини қаранг! Ўзиям пальтомисан-пальто-да.

— Яхшилиги кўриниб турибди, — унга қўшилди харидорлардан бири. — Лекин нархи баланд экан. Шуниси ўйлантириб қўйди.

— Қимматсираяпсизми? Қўйсангизчи, 285 сўм қаёқдан келиб, қаёққа кетмайди дейсиз! Давлат белгилаб қўйган баҳо бу...

М. Отахонов шу гапларни айтишга айтди-ю, тилини тишлаб қолди. Харидорлар синчков кишилар тоифасидан экан. Пальтонинг асл нархи битилган ёрлиқларни суриштириб қолишди. Бўлим мудири ўзини у ёққа ташлаб кўрди, ялиниб-ёлворди — бўлмади. Аллақачон қинғир йўлга кирган, фақат мўмай пулнигина ўйлайдиган бу қўли қинғир савдо ходими тумшуғидан илинган эди. Ҳар бир пальтодан неча ўнлаб сўм ўмариб қолиш режасини тузиб, уларга ортиқча нарх ёзилган ёрлиқларни ёпиштириб чиққан бу устаси фаранг энди қилмишига яраша жазосини тортади.

Марғилондаги марказий универсал магазини секция мудири У. Абдурахмонова ҳам харидорлар ҳисобидан бойлик орттиришда ҳамшаҳари М. Отахонов билан бемалол «беллашиб» келган савдо ходимлари хилидан экан. Уларнинг ўртасидаги фарқ шундаки, У. Абдурахмонова юрагини ҳовучлаб ўтирмайди, тажрибаси катталиги, ҳар ҳолда дадил ҳаракат қилиб, ёрлиқларни қайта ёзиб ёлиштириб ўтирмай, шартта-шартта узиб, саватга ташлайди, вассалом. У 1 сўм 20 тийинлик молни 1 сўм 70 тийиндан пуллаётганда қўлга тушди.

«Хўш, нега бу молларни ортиқча нархда сотаяпсиз, ёрлиғи қани?» деб сўрашганда У. Абдурахмонова пинагини ҳам бузмай. «Фабрикадан шундоқ юборишибди», деб қўяқолди. Бу — сотувчининг соддалигими, олғирлигими, буёғини ўзингиз билиб олаверасиз...

Қиргули шаҳарчаси кўчаларида, одам гавжум жойларда қўлида вазмингина сумка кўтариб олган бир аёл изғиб юрганини кўриш мумкин эди. У одамлар олдига келиб, астагина шивирлайди: «Ажойиб свитер бор. Жудаям ноёб мол». Дарҳақиқат, қаппайган сумкадан магазинлар витринасида мутлақо кўринмайдиган свитерларнинг бир неча хили чиқиб келаверади. Текинхўрлик йўлига ўтиб олган Л. Жирова деган шахс ана шундай моллар билан қўлга тушганда ички ишлар бошқармаси ходимлари калаванинг учи узоққа бориб тақалишини аниқлашди. Буни қарангки, «Узспортторг»нинг 11-магазини сотувчилари Т. Ғозиева билан Ғ. Ҳамралиевлар яна шундай камёб молларни Л. Жирова орқали ҳар донасини 5 сўмдан 12 сўмгача ортиқча нархда пуллаб келаётган эканлар.

Бу текинхўрлар ишни «пухта» йўлга қўйишган. Текшириш вақтида Қиргулидаги омбор мудири Т. Иброҳимова маълум «улуш» эвазига юқоридаги сотувчиларни ноёб моллар билан таъминлаб тургани аниқланди.

Шуни ачиниш билан айтиб ўтиш керакки, Марғилон шаҳридаги саноат моллари билан савдо қилувчи қатор магазинларда кейинги пайтларда харидорларни алдаш, камёб молларни пештахта остидан ортиқча нарх қўйиб пуллаш, харидорлар ҳақига хиёнат қилиш, олибсотарлар билан тил бириктириб иш кўриш каби ҳунук фактлар содир бўлиб турибди. Тўғри, жамоатчилик, милиция бундай текинхўрларга қаттиқ кескин кураш олиб бораяпти. Аммо, ҳамма иллат шундаки, савдо ташкилотлари раҳбарлари савдо ходимларининг ножўя қилиқларини сеза-била туриб, уларни вақтида тартибга чақиришмаётирлар. Кўп ҳолларда эса қўли қинғир сотувчиларга ҳайфсан эълон қилиш билан чегараланиб қолаётирлар. Такрор-такрор ҳайфсанлар эса таъсирсиз бўлиб қолмоқда.

Марғилон шаҳридаги қатор магазинларда ана шундай ҳунук фактлар содир бўлаётган экан, шаҳар промторгининг директори К. Тожиевнинг савдо қоидаларини бузғунлишига лоқайдлик ва муросасозлик билан қарэб келаётгани ҳам бунга сабаб бўлмоқда, деб айтиш мумкин.

Фарғона гўшт комбинатида текшириш ўтказилганда, бу ерда бир гуруҳ юлғичлар — виждонини гўштга сотган шахслар уя қурганлиги маълум бўлди. Текшириш қатнашчилари комбинатдан нимандир қўлтиғига қисганича такаббурона чиқиб кетаётган бир кишини тўхтатишди. Маълум бўлишича, у «Узсельхозтехника»нинг Марғилон районлараро базаси омбор мудири Эркин Мелибоев экан. У қоғозга чиройли қилиб ўраб, қўлтиқлаб олган нарса гўшт бўлиб, тарозига қўйилганда 5 килограмму 150 грамм чиқди. «Хўш, бу гўштни нега олдингиз?» деган саволга у: «Дадам берган эди, олиб кетялман» деб жавоб қайтарди. Ҳа, унинг отаси, шу гўшт комбинатининг таъминот бўлими бошлиғи Эргаш Мелибоев бели оғримай нон ейишга ўрганиб қолганлардан экан.

Шуниси қизиқки, комбинатнинг энг масъул, нафасига шовла ишладиган қатор ходимлари шунчалик «содда», эканки, улар ҳаттоғ ўз иш столлари тортмасида гўшт қандай пайдо бўлиб қолганини ҳам «билишмайди». План бўлими бошлиғи В. А. Ваннкова билан меҳнат ва иш ҳақи бўлими инженери Р. В. Самсоновалар кабинетидаги бир столга қарийб 3 килограмм суяксиз гўшт «кириб» қолади-ю улар буни билишмайдими? Комбинат ходимларидан яна бири Пайкова эса бундан ҳам «соддароқ» экан. Қарангки, унинг кабинетида 2 килограмм гўшт, 6 килограммдан зиёд колбаса «пайдо бўлиб» китоб жавонига кириб қолибди. Аммо, Пайкова бундан бехабар қолганмиш. Қани энди бундай мисоллар озроқ бўлса. Очиқдан-очиқ ўғирлик етмагандек, корхона бухгалтериясида ҳам ҳисоб-китоблар чалкаштирилиб, юзлаб килограмм гўшт маҳсулотлари сув қилиб юборилаётгани маълум бўлиб қолди.

Текинхўрлик кўчасига кириб кетган, юлғичликдан тафт тортмай келган шахслар қонун олдида жавоб берадилар. Аммо, бу ўринда ҳаққоний бир савол туғилади. Хўш, гўшт комбинати директори М. Дўстматовнинг, қолаверса, корхона партия ҳамда касаба союз ташкилоти раҳбарларининг кўзлари қаёқда эди? Нима учун улар кўзлари олдида рўй бериб келган талон-торож ва ўғирликларга чек қўйиш ҳақида бош қотиришмади? Ҳамма гап ана шунда.

Ф. ЭМИНОВ,
халқ депутатлари Фарғона область Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бўлим бошлиғи, милиция капитани.

ЛИМОНАРИЙЛАР КЎПАЙМОҚДА

Жанубий Ўзбекистон меваузум селекция станциясининг олимлари кўп йиллар танлаш йўли билан шу зонанинг қуруқ ва иссиқ иқлимига энг мослашган навни топишга муваффақ бўлдилар. Шу ердаги махсус курсларда цитрусчилар тайёрлана бошлади.

Сурхондарё областидаги «Ленин йўли» ва Будённий номли совхозларда ҳар бири 5 минг квадрат метрдан келадиган иккита янги катта лимонарий барпо этилди. Бу теплицаларда серҳосил нав лимон кўчатлари ўтқазилди. Ҳар туп дарахт ўтқазилганидан кейин олтинчи йилга бориб 2800 тадан мева беради.

Цитрус мевачилиги — Ўзбекистон жанубий зонасидаги колхоз ва совхозларнинг янги даромадли тармоғидир. Масалан, булутар «Ҳазарбог» совхозининг лимонарийларида 200 мингта мева олинди. Буларни сотишдан неча ўн минг сўм фойда кўрилди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ва эълонлар

ССРР Қишлоқ хўжалиги министрлиги
АНДИЖОН ПАХТАЧИЛИҚ ИНСТИТУТИ
1979—1980 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА
КУНДУЗГИ БЎЛИМГА
СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ИНСТИТУТ АГРОНОМЛАР, ИНЖЕНЕР-ГИДРОТЕХНИКЛАР, ИНЖЕНЕР-МЕХАНИКЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

Ўқиш муддати — 4 йилу 4 ойдан 5 йилгача.

Институтга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

АГРОНОМЛИК ИХТИСОСИГА — биология (оғзаки), химия (оғзаки), физика (оғзаки), она тили ва адабиёт (ёзма);

ИНЖЕНЕР-ГИДРОТЕХНИКЛАР ВА ИНЖЕНЕР-МЕХАНИКЛАР ИХТИСОСЛАРИГА —математика (ёзма ва оғзаки), физика (оғзаки), она тили ва адабиёт (ёзма).

Ўрта мактабни олтин (кумуш) **медаль билан тамомлаганлар, ўрта махсус ёки ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тамомлаганлар мутахассислигига қараб қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:**

агрономлик факультетига кирувчилар — БИОЛОГИЯ (оғзаки);

гидромелиорация факультетига кирувчилар — ФИЗИКА (оғзаки);

қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетига кирувчилар— МАТЕМАТИКА (оғзаки).

Институт ректори номига ёзилган ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: ўрта маълумотга тўғрисидаги ҳужжат (асли), ишлаётган ёки ўқиётган жойидан характеристика, медицина справкаси (286-форма), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишлаётганлар учун), 4 дона фотосурат (3х4 см.),

Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатлар 20 июндан 31 июлгача, кириш имтиҳонлари эса 1 августдан 20 августгача қабул қилинади.

Институт адреси: Андижон область, Андижон район, Қўйганёр қишлоғи.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги
Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
1979—80 ўқув йили учун
ИНСТИТУТНИНГ КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРИГА
қуйидаги мутахассисликлар бўйича
СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ИНГЛИЗ ТИЛИ, НЕМИС ТИЛИ, ФРАНЦУЗ ТИЛИ.

Ҳамма мутахассисликлар бўйича ўқиш муддати — 5 йил.

ИНСТИТУТГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ТОПШИРАДИЛАР: она тили ва адабиёт (ёзма ва оғзаки), СССР тарихи (оғзаки), чет тили (оғзаки).

Институтга кирувчилар институт ректори номига ёзилган ариза билан қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), характеристика (йўлланма), меҳнат ёки колхоз дафтарчасидан кўчирма, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, соғлиги ҳақидаги справка (286-форма).

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

АРИЗАЛАР 31 МАЙГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари 1 июндан 20 июнгача давом этади.

Қабул комиссиясининг адреси: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 48-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
УСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ
физиологик актив синтетик бирикмаларни синаш лабораторияси бўйича катта илмий ходим
ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри Ф. Ҳўжаев кўчаси, 28-уй.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/V да Оламнинг яратилиши, 17/V да Пётр I.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/V да Келинлар қўзғолони.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗЫКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/V да Тошболта ошиқ, 17/V да Она қизим.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/V да Отилмаган ўқ (19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — янги программа: КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ (19.30).

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги Иттифоқ миқёсидаги шахсий пенсионер, 1918 йилдан буён КПСС аъзоси
Аловиддин Заҳриддинович
АҲМЕДОВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Госплани ҳузуридаги иқтисодий илмий-тадқиқотлар институти коллективи институт илмий ходими А. А. Аброрхўжаева отаси
Аҳмад
АБРОРХЎЖАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг республика радиоси коллективи ёшлар учун эшиттиришлар Бош редакциясининг катта редактори А. Аброрхўжаева отаси
Аҳмад
АБРОРХЎЖАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси коллективи редакция ходими М. Миршаропова онаси
Анорбиби
МИРШАРОПОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 —Вақт. 9.40 —Гимнастика. 10.05—Киносаҳатчилар клуби. 11.05 — Фильм-концерт. 11.20 —Улуғ Ватан уруши. Киноэпопея. 3-фильм. 12.10— Халқ ижоди. 12.55— ва 15.00—Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.10 —Ўқитувчига —музика дарси. 17.10 —Объектив. 17.40 —Концерт. 18.00 —Биринчи беш йиллик юбилейига. 18.40 —Горячилар, қаердасиз! 19.15 —Дунё воқеалари. 19.30 —Инсон ва қонун. 20.05 —Девордаги суратлар. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 —Вақт. 22.05 —Санъат устали. 23.25 — Фильм-концерт. 23.55 —Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 —Ўзбекистонда химия саноатининг ривожланиши. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Химиядан ўқув кўрсатуви. 13.00 —Хусумат. Бадиий фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.30— Ўзбекистон XVIII Спартакиадасида. Огир атлетика. 19.00 —Зангори экран почтаси. 19.30 —Ахборот. 19.45 —Ҳужжатли фильм. 20.00 —Иккинчи она тилимизни ўрганамиз. 20.30 —Ахборот. 20.50 —Концерт. 21.30 —Вақт. 22.05 — Мўл-кўл озуқа учун. 22.20 — Сўнгги гайдук. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 —Ёшлик. 19.10 —Болалар учун фильм. 19.30 — Пойтахт области далаларида. 20.00— Янгиликлар.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Дутор, танбур, сато тароналари. 12.00 — Ўзбекистон индустриальний. 13.00 — Чорвачилик бўйича социалистик мажбуриятлар кандай бажарилмоқда? 13.30 — Концерт. 14.00 — Биринчи беш йилликлар ҳақида ҳикоялар. 18.15 — Ўзбекистон спортивний. 18.50 Ўзбек операларидан ариялар. 19.20 — Суҳбат. 19.45 — Оркестр куйлари. 20.25 — Қувноқ концерт. 21.00 — Бунёдкорлар туркумидан. 21.10 — Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари. 21.30 — Чорвадорлар. Сизлар учун. 22.28 — Янги грампластинкалар. 23.20 — Вобир газаллари билан айтиладиган қўшиқлар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
Редакция адреси: 700000. Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.
ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04; масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; халқаро ҳаёт — 32-54-18; совет транспорти ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26; фан, маориф ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-54-27, 32-55-17, 32-54-26; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-18, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22; коммунистика гарбиға — 32-54-29; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ ҚКАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 01972. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Е. — 110.